

ХУКУК

МУСТАҚИЛЛИК

ДЕМАКДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРОКУРАТУРАСИНING ГАЗЕТАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ЎН ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛАДИ

• Бугуннинг мавзуси

*Яхшиларга жаҳонда эмас ҳеч ким муҳолиф,
Гар ёмонларни яхши кўра олсанг, у ҳолда сен ғолиб.
Баҳоуддин НАҚШБАНДИЙ.*

БИЗНИ КЕЧИРИНГ, ОДАМЛАР

Яқинда республикамиз Президентини телевидение орқали журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, феврал воқеалари илдири ва моҳиятини яна бир бор атрофлича шарҳлаб берди. «Ҳар бир кечирим, авф сўраб келган фуқарога ҳеч бир жазо қўлланилмайди», дея таъкидлади Президент. Ўзбек халқи, азал-азалдан кечиримли бўлиб келганлиги барчамизга аён.

Айни чоғда ҳуқуқ органлари эшигига қора тортиб келаётганлар сони кун сайин кўпаймоқда. Уларни бунга етаклаган асосий омил аён, у ҳам бўлса ўз қилмишларидан пушаймонлик, Президентнинг, халқимизнинг бағри кенглиги ва албатта ушбу кафолатга шончидир.

Жумладан, А.Икромов тумани ИИБ жиноят қидирув бўлими ходими, милиция капитани Исмоил Асадов билан бўлган суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

- Исмоил ака, феврал воқеаларини таҳлил этар эканмиз, билиб-билмай ақида-парастларнинг қутқусига ураб, йўлдан адашиб, аралашиб қолган шахсларнинг аксариятини ёшлар ташкил этганлигининг гувоҳи бўламиз.

- Дарҳақиқат, таъкидлаб ўтганингиздек, аксарияти ёшлардан иборат. Яъни уларнинг кўпчилигини ўрта маълумотга эга бўлган, дунёқароши ҳали шаклланимаган, ёр ёш йигитлар ташкил этмоқда. Бунга собаб эса уларнинг бу деврда ўта ишонувчан, ҳали ҳаётда оқуқорани таний олмаганлигида, деб биламан. Ёвуз ниятли кучларнинг асосий мақсади ҳам ана шундай ёшларимиздан фойдаланиб, уларнинг ангини заҳорлаб, турли носоғлом диний эътиқод, оқимлар гирдобига тортиш ва шу йўл билан давлатимизга зарба бериш эди. Ҳанимларимиз баъзи ёшларимизни нотўғри йўлга бошлатдилар, бегуноҳ одамларнинг умрига зомин бўлдилар. Бу ҳаммамиз учун ачиқ бир сабоқдир. Демак, ёшлар тарбиясида, улар билан иш олиб боришда қандайдир камчиликларга йўл қўйган эканмиз.

- Кейинги пайтда пайдо бўлган турли хил оқимлар, диний-экстремистик гуруҳлар ҳақида нималар дея оласиз?

- Аввало, шуни таъкидламоқчиманки, ислом никоби остида фаолият олиб бораётган бундай

гуруҳларнинг кўзлаган мақсадлари ҳоқимият ва бойлик. Бошқа нарса эмас. Қўлимизда «Хизбу-т-тахрир» нашр этган бир китоб сақланмоқда. Китобча номининг ўзи ҳам унинг қандай мазмунда эканлигини айтиб турибди. «Хатарли тушунчалар» деб номланган ушбу китоб муқовасидаги мана бу ёзувга эътибор беринг: «Исломга зарба бериш ва фарб дунёқарошини ўрнатиш учун» дея ёзиб қўйилган. Ўз-ўзидан савол туғилади. Нега энди Исломга зарба бериш? Чунки ушбу оқим тарафдорлари хозирги мусулмонларимизни тан олишмайди. Фақатгина ўзларининг эътиқодлари, дунёқарашларига ҳайрихоҳ, «Хизбу-т-тахрир»га аъзо бўлганларнинггина мусулмон деб ҳисоблашади.

Ушбу оқим тарафдорларининг асосий мақсадлари халифаликни ўрнатиш ва исломни тиклашга қаратилган. Уларнинг гоёлари буйича барча қазиб олинган бойликлар текин бўлиши, аёллар ҳижобда юришлари керак. Бу мақсадга эришиш учун терроризм, кўпуровчиликдан фойдаланиш кўзда тутилиб, буни улар «Жиход» деб аташади.

Кўриниб турибдики, ушбу оқимларнинг мақсади фақат ва фақат ёвузликдан иборат. Бироқ ёвузликнинг умри қисқа эканлиги барчамизга аён. Бугун халқимиз ўз таллаган йўлидан бормоқда. Ва бу йўлдан бизни ҳеч қандай ёвуз кучлар қайтараолмайди. Ҳақ

иш ҳаммаша ҳақлигича қолади, қасд қилган эса паст бўлади.

- Президентимизнинг кечириб ҳақидаги гапларига муносабатингиз?

- Юртбошимизнинг ушбу таклифи билиб-билмай, адашиб

нотўғри йўлга кириб қолганларга яна қайтиб тўғри йўлга тушиб олишлари учун берилган имконият деб ҳисоблайман. Ўз навбатида улар ҳам бу берилган имкониятдан тўғри фойдаланиб, тегишли хулоса чиқариб оладилар.

Шунингдек, биз, ички ишлар ходимлари хоҳлаймизми, йўқми, барибир улар устидан доимий назорат қилишимиз зарур.

- Феврал воқеалари бугунги кунгача бутун халқимиз томонидан қаттиқ қораланмоқда. Эндилликда бундай муҳиш воқеа такрорланмаслиги учун қандай ишларни амалга ошириш керак? Сизнингча, нима-ларга кўпроқ эътибор беришимиз лозим?

- Аввало, террорчиларнинг бу ёвуз ишларида нафақат уларнинг, балки барчамизнинг ҳам маълум маънода айбимиз борлигини тан олишимиз керак. Бугун ўз қўшнисининг уйида нима бўлаётганини билмаган одам, маҳолласида қандай кишилар истиқомат қилишдан беҳобор оқсоқол, милиция устакиси вакили ва бошқа жамоатчилик вакиллари, шунингдек ўз фарзанди тарбиясига бепарво ота-она - барча-барчаси ушбу воқеадан сўнг қайта уйғонмоғи, сергак-хушёр бўлмоғи лозим.

Президентимизнинг «бундан буён ватанфуруш, хонин, жиноятчи унсурларнинг оталари ҳам ўниллари учун баб-баровор жавоб берадилар. Уларни ҳам ўша нашуд фарзандлари олдида олиб келиб ўтқазиб қўямиз», дея таъкидлаган гапларини жуда тўғри деб ҳисоблайман. Дарҳақиқат, ўз фарзандининг йиллаб уйда бўлмаслиги, турли гуруҳларга кириб олиб, терроризм, кўпуровчиликни ўрганиб юришдан ота беҳобор бўлса, унда оталик бурчи қайда қолди? Унинг лоқайдлиги, бепарволиги туфайли фарзанди шу йўлга кирмади-микан?

(Давоми 2-бетда).

ИСТИҚЛОЛ ФАРЗАНДЛАРИ



Бугунги кунда ўзбек ўғил-қизлари дунёнинг энг ривожланган давлатларидаги энг нуфузли олий ўқув даргоҳларида таҳсил олмақдалар. Сиз суратда кўриб турган ёшлар ҳам кунчиқар мамлақати - Япониянинг турли олий билим даргоҳларида таълим олиб қайтишган.

А.МАМАТКУЛОВ сурати.

Ушбу сонда

ҚОНУН - КЕЛАЖАКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Жиззах вилоят прокурори М.Отабоев билан суҳбат.

3-б.

БИР ЖУФТ ОЛМА

Прокурор маданияти ва маънавияти ҳақида сўз

4-б.

БИЗНИ КЕЧИРИНГ, ОДАМЛАР

(Бошлангич 1-бтда).

Халқимизда «бир болага етти маҳалла ота-она» деган ҳақли, ибратли нақл бор. Ушбу нақл бугунги қунда ҳар бир маҳалланинг шioriга айланмоғи даркор. Ёшларимиз тарбиясига ҳар бир фуқаро масъуллигини чуқур ҳис этиши керак.

«Эгилган бошни қилич кесмас»

**Мансур Зиёев,
Ақмаъл Икромов туманидаги
«Пахтакор» маҳалласи.**

«Сорбон» фирмасига қарашли новвойхонада ишлардим. Маошим ёмон эмасди. Ўзимнинг сарф-харажатларимдан ташқари оиламизга ҳам кўмаклашиб турардим. Бундан роса тўрт ой муқаддам ишдан қайтаётганда Файзулла ака деган одам билан танишиб қолдим. Автобус кутиб, анча сўхбатлашиб ўтирдим. У киши мусулмончилик қонун-қоидалари, фарзлари, амаллари ҳақида гапириб бердилар. Сунгра «силм олишни истойсанми», деб сўраб қолдилар. Мен рози бўлдим. Шу-шу ишдан бўш пайларим у кишининг хузурига бориб, ислом илмидан сабоқ ола бошладим. Дастлаб таҳорат қилишу намоз ўқиш қоидаларидан бошланган ўқувимиз бора-бора бошқача тус ола бошлади. Домламамиз, кейинроқ у кишини «муширф» деб отай бошлагандик, айни пайтда масжидларда қўлланилаётган қонун-қоидалар асл мусулмончиликка бутунлай ёт, биз ўз йўлимиздан боришимиз, ҳолифалик давлати тузишимиз керак, дейишга ўтганидан кейин қаерга келиб қолганимни тушуна бошладим. Ана шу кезларда феврал воқеалари юз берди. Қўрқанимдан уйдагиларга ҳеч нарса демая шаҳар четидagi хонадонлардан бирида ижарада тура бошладим. Уйдагиларга отай, десам аввалбошдан «ўқув»га қатнаб юрганимни улардан аширдим.

1 апрел куни телевизорда тасодифан Президентимиз «йўлдан адашганлар авф сўрасалар» уларни кечирिशларини айтганларида кўзларимдан ёш чиқиб кетди. Кечаси билан ухлолмайдиким. Эрталаб тўғри уйга бориб, отамага ҳаммасини бир бошдан гапириб бердим.

Мақсуд ака Зиёев, Масурийнинг отаси.

Ўғлим уйга кириб келганида аввал жуда хурсанд бўлдим. Қардаслигини билмай хавотирда эдик. Бошидан ўтганларини айтиб берча, жуда ҳаҳлим чиқди.

- Ҳали отангдан сир яшира-

диган бўлиб қолдингми? - дея роса қойдим. Кейин ўзимни босиб олиб, ўйлаб кўрдим. Ёшлик қилгани, тушуниб-тушунай ёмон одамлар қўлига тушиб қолгани аниқ. Аммо нима бўлганда ҳам отадан берухсат «ўқув»ларга қатнаганини кечиршим жуда қийин бўлди. Уртага олиб, қойдик. Алҳамдулиллоҳ мусулмончилигимизни, ислом қоидаларини ҳурмат қилиш лозимлигини яхшилаб тушунтирдим. Гапнинг очяни, меннинг гапларимсиз ҳам у ким ҳақу ким ноҳақлигини аллақачон билиб олган экан. Мендан астойдил кечирим сўради.

- Мендан эмас, давлатимиздан, ҳаммамизга оталиқ қилаётган юртбошимиздан кечирим сўрагин, деб тўғри ички ишлар бўлимига етаклаб келдим. Эгилган бошни қилич кесмайди, деб бежизга айтмаганлар, ахир. Бу ердогиларга ҳам қатта раҳмат, бизни тўғри тушунишди.

Шу ўринда бир гапни айтиб ўтмасам дардим ичимда қолади. Отани боладан, болани отадан ажратмоқчи бўлиб, ҳали ёш, кўп нарсаларни мушоҳада қилолмайдиган йигитларимизни йўлдан урганлар энди ўз айбларини бўйинларига олиб, барча ёшларимиздан, бутун халқдан кечирим сўрасинлар. Зеро, кўлаб беғуноҳ болаларимиз улар туфайли боши эгик, ёмон отлик бўлиб қолдилар.

Жаҳонгир Маҳсумов, маҳалла оқсоқоли:

- Уша маълум феврал воқеаларидан сўнг бизнинг маҳаллада яшовчи Мансур Зиёев ҳам сирли равишда йўқ бўлиб қолди. Олдий киши оиласида туғилиб вояга етган йигирма бир ёшли бу йигит юриш-туриши, ахлоқ-одоби ҳолида, новвойчилик қиларди. Кейин билсак, у ҳам ақидонар-растлар йўлига кириб, уларнинг яширин ўқувларини ўрганиб юрган экан. Феврал воқеаларига бевосита олоқаси бўлмасида, қўрқанидан қочиб кетиб, яшириниб юрибди. Маълакатимиз раҳбарининг шу йил 1 апрел куни телевидение орқали айрим ёшларимиз қилаётган ишининг муҳиятига чуқур тушуниб етмай ёмон мақсадли кимсалар доъватига учгани, агар сидқидилдан тавба - тазарру қилсалар авф этишларини айтганларидан сўнг, кўпчилик адашганлар қатори Мансур ҳам уйига қайтиб келиб, отаси билан биргаликда ички ишлар бўлимига кечирим сўраб берди.

«Эгилган бошни қилич кесмас», дейдилар. Мансур халқимиз ва давлатимиз раҳбаридан

кечирим сўраб, жуда тўғри иш қилди. Ва биз унинг ўз йўлини топиб олишига, энди ҳар бир қадамини ўйлаб бошишига, оқу қорани ажратиб олганига ишонамиз.

Маҳалламизда беш ярим минг нафардан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Улар меҳнаткаш, ҳолол, орийатли инсонлар. Мустақил юртимиз келажагига ишонувчи, ватанимиз равнақи учун бор қуч-ғайратини аямайдиган маҳалладошларимиз йўлбошимизнинг юксак инсонпарварликлари, ғамхўрликларидан ниҳоятда миннатдор бўлдилар.

Президентимизнинг 1 апрелдаги сўзларидан кейин қалбида Ватан, юрт тўғуси, томирида ўзбек қони бўлган ҳар бир фуқаро ўзига тегишли ҳулоса чиқариб олди. Биз ҳар куни кўлаб оилаларда бўлиб, маҳалламизда истиқомат қилувчиларнинг яшаш тарзи, фикр-мулоҳазаларини ўрганиб бораёламиз. Ҳеч иккиланмай яна бир бор айтиш мумкин: энди хато такрорланмайдик, кўр ҳассасини бир марта йўқотоди. Маҳалламиз аҳлининг яқдил фикри ана шундай.

Юртбошимизнинг қилган инсоний ғамхўрликлари ўз натижасини бермоқда. Унлаб адашган ёшлар ҳамда уларнинг ота-оналари қўрқатилган бу мурувотдан сўнг ҳуқуқ-тартибот органларига келаётганликларининг гувоҳи бўлмоқдамиз. Ҳаётда адашган ёшлар қилмишлари ахир-оқибат яхшиликка олиб келмаслигини, у фақат боши берк кўча томон етаклашини тўлиқ тушуниб етдилар. Айниқса феврал воқеаларидан кейин Ватанини сотган, дённатсиз доҳийпараст кимсалар қўли билан халққа, мустақиллигимизга, тинч ва осуда ҳаётимизга қарши уюштирилган террорчилик жиноятининг оқибатлари бундай ёшларга ва уларнинг оилаларига, қолаверса бутун ўзбек халқига унутилмас сабоқ бўлиб қолиши муқорар.

«Биз ёшларимизни ҳеч кимга бермаймиз», дея таъкидлайди Президент. Нима бўлганда ҳам билиб-билмай адашиб қолган ёшлар ўзимизнинг фарзандларимиз. Уларни ҳеч қачон ёвуз ниятли кимсалар қўлига тутқазиб қўймаймиз.

Зеро, бугун барча адашганларнинг тилида фақат бир гап: «Бизни кечиринг, Президент, бизни кечиринг, одамлар».

Дониёр ХАЛИЛОВ,
Жаҳонгир ШАРОФБОЕВ,
«Хуқуқ» муҳбирлари

Прокуратура фаолияти хроникаси

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШНИ КУЧАЙТИРАЙЛИК!

Тошкент шаҳар прокуратурасида навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Тошкент шаҳар прокурори, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси М.Наимов бошқарди. Кун тартибидagi биринчи масала - «С.Раҳимов туман прокуратурасининг қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини ялпи текшириш якунлари» юзасидан шаҳар прокурорининг катта ёрдамчиси Б.Фориқов йиғилганларга ахборот берди.

Прокуратура идораларида тергов устидан назорат бўлими бошлиғи А.Мирасиловнинг ахбороти «Прокуратура идораларида жиноятлар тўрисидаги ариза ва хобарларни қабул қилиш, рўйхатга олиш ва ҳал этишда қонунчиликка риоя этилиши аҳволини ўрганиш натижалари» ҳақида бўлди.

Умумий назорат бўлими бошлиғи С.Рўзиев «Ўзбекистон Республикаси прокуратураси ҳайъатининг 1999 йил 31 март куни бўлиб ўтган мажлисида қўрилган масалалар ҳақида» йиғилганларга ахборот берди.

Ҳайъат йиғилишида қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

(Ўз муҳбиримиз).

ҲАЙЪАТ МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ

Қорақалпоғистон республикаси прокуратурасининг навбатдаги ҳайъат мажлисида Ўзбекистон Республикаси прокуратураси томонидан 1998 йил август ойида ўтказилган ялпи текшириш якунида қўрсатилган қамчиликларни бартараф қилиш юзасидан амалга оширилаётган ишлар тўрисидаги масалалар муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси прокуратураси жиноят ишлар қўрилишида судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўйича бошқарма катта прокурори С.Қурбонов ахборот берди. Шунингдек, Нукус шаҳар прокурори А.Низанов, Кегейли туман прокурори П.Саманбетов, Қўнғирот туманлараро прокурори Е.Қайбергенов, Амударё тумани прокурори вазифасини бажарувчи М.Ҳажиев, Республика прокурори катта ёрдамчиси М.Матқаримовларнинг ахборотлари тингланди.

АТРОФЛИЧА МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Янгибозор туманида Хоразм вилоят ҳуқуқ-тартибот идоралар ходимларининг диний экстремизм ва террорчиликка қарши кураш, жиноятнинг олдини олиш, паспорт режимига қатъий риоя этиш масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят ИИБ бошлиғи, милиция полковниги Т.Худойбергенов юртбошимизнинг Ўзбекистон телевидениеси орқали ўз айбига икор бўлиб, бош эгиб келган адашган ёшларни авф этиш ҳақидаги сўзларидан кейин вилоятда амалга оширилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Кенгаш ишида вилоят, туман ҳокимликларининг мутасадди ходимлари, фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла оқсоқоллари ҳам иштирок этдилар.

А.ОРТИҚБОЕВ.

НАВБАТДАГИ МАШҒУЛОТ

Сурхондарё вилоят прокуратурасида прокурор-тергов ходимларининг касб маҳоратини оширишга қаратилган навбатдаги ўқув-семинар машғулотини бўлиб ўтди. Унда «Автоулов ходисалари билан боғлиқ материаллар ва жиноят ишларини ўрганиш ҳамда тергов қилишини ўзига хос хусусиятлари», «Прокурор томонидан судга даъво аризалари киритишда асос қилиб олиндогилар қонунчилик тўғри қўлланилишининг аҳамияти» мавзулари ўрганилди. Шунингдек, Республика Прокуратураси томонидан прокурор-тергов ходимлари олдида қўйётган вазифалар муҳокама этилиб, уни бажариш юзасидан тегишли дастур ишлаб чиқилди.

Шу каби машғулотларнинг юқори савияда ўтказилишини таъминлаш чоралари қўрилмоқда.

Қ.ЖУРАНАЗАРОВ.

Ахборот

ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ СЕМИНАР

Республикамизнинг кўзга кўринган файласуф олимлари иштирокида Ўзбекистон Фалсафа Жамияти Раёсати қошидаги Фалсафа фони янгилиниши муаммоларига бағишланган доимий илмий назарий семинар бўлиб ўтди.

Йиғилишни Ўзбекистон Фалсафа Жамияти Президенти, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг мухбир аъзоси С.Шермухаммедов кириш сўзи билан очди.

Йиғилишда «Миллий ғоя ва унинг жамият тараққиётидаги тугган ўрни» мавзусида маърузалар тингланди.

Ўзбекистон Республикаси ФА академиги, фалсафа фанлари доктори, профессор Э.Юсуфов, Фалсафа фанлари доктори, профессор Л.Яҳъёевлар маъруза қилдилар. Маърузачилар

ўз сўзларида миллий ғоя ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни, уни ёшлар онгига синдиришнинг аҳамияти, йўл-йўриқлари, миллий истиқлол мафқураси, уни шакллантириш хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Миллий ғоя миллитни жипслаштириш учун, миллий истиқлол мафқураси эса бутун Ўзбекистон халқи учун хизмат қилиши зарурлиги ҳақида тўхталиб ўтидилар.

Семинарнинг иккинчи босқичида маърузалар бўйича илмий мунозаралар бўлиб ўтди. Йиғилиш якунида истиқбол режалари, хусусан келажақда «Файласуфлар музейи»ни ташкил этиш ҳақида келишиб олинди.

Ш.ЕДГОРОВ.



• Таҳлил

ҚОНУН

Жиззах вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси Матназар ОТАБОВЕВ билан суҳбат

КЕЛАЖАКНИ КАФОЛАТЛАЙДИ



- Бир болага етти қўшни ҳам ота, ҳам она, дейди халқимиз. Бу мақол халқимизнинг руҳиятини, тарбия услуби ва яшаш тарзини ўзида ифодалагани учун ҳам аждодлардан авлодларга ўтиб келмоқда. Ўзбекининг ҳар бир овлоди, ҳар бир фарзанди шу каби ҳикматлар замирида яширинган салмоқдор ҳақиқатни англаб, аждодлар ўғитига амал қилиб улайган. Дунёга теран нигоҳ ташлашга одатланган, - дея суҳбатимизни бошлади Матназар Отабоевич. - Бизнинг асрлар синовига бардошли миллий анъаналаримиз, фақат ўзимизга мос бўлган урф-одатларимиз собиқ советлар тузуми даврида «жиддий ислох» қилинди. Нотаниш ва норасо мафқуранинг салбий оқибатлари руҳиятимиз иқлимини ўзгартириб юборди. Нима яхшию нима ёмон, ким қадрлию ким бекадрлиги мафқуравий мақсадларга мувофиқ келиш-келмаслиги нуктаи назардан баҳолана бошланди. Оқибати эса бугун барчага маълум.

Юзага келган бепарволик руҳиятимиз иқлимини белгилайдиган, тафаккуримизни танблалаштирадиган бўлиб қолди.

Назаримда, 16 феврал воқеаларини ҳам собиқ тузум иллатларининг оқибати деб қараш керак. Биз Президентимиз тоъкидлаганларидек, гоёга қарши гоё билан кураш ишини тўғри ташкиллаштириганимизда, маънавиятимизга зид ўнсурларнинг урчишига изн бермаганимизда таассуротларидан чуқур таҳлилга ўтилди. Энг муҳими, бу воқеалар янгича ишлаш ва янгича фикрлаш лозимлигини кўрсатди.

- Матназар Отабоевич, чиндан ҳам феврал воқеалари феврал сабабларини келтириб чиқарди. Бизнинг бепарволигимиз тўғрисида янги режалар белгилади, амалга оширилиши зарур тадбирлар қўламини чамаладик. Бу барча қатори ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар олдида ҳам янги вазифалар қўйди. Вилоят прокуратура идоралари бу борада қандай тадбирлар белгиланган?

- Биз бошқа ҳуқуқ-тартибот идоралари билан ҳамкорликда вилоятимизда истиқомат қиладиган ҳар бир фуқаронинг шахси, қизиқишлари, дунёқароши ва турмуш тарзини ўрганиб чиқдик. Таҳлиллардан сўнг, айрим айналларда ота, она ёки фарзандларнинг баъзилари бир неча ойлаб, баъзан йиллаб бедараклиги маълум бўлди. Уларнинг қоғерда ва қандай фаолият билан машғуллигини ҳеч ким билмайдди. Бедарак ёшларнинг аяқларидан бир хил жавоб олдик: «тижорат билан кетган!» Наҳотки, ота фарзанди тақдирини ташвишга тушмаса, етти мучасини бут қилиб воёга етказган она ўғлини даракламаса? Наҳотки, биз фарзандларимиз тақдирини, хатти-ҳаракатларини учун давлат, халқ, бориники, келажак олдида бурчли эканлигини унутиб қўйдик? Ахир ойлаб, йиллаб бедарак юрганлар кимнингдир фарзанди, турмуш ўртоғи, яна кимнингдир акаси ёки укаси-ку!

Бугун маҳаллаларда катта эътибор берилмоқда. Маҳалла оқсоқоли ҳамда фаолларининг жамоат ишларидаги иштирокини кучайтириш, жамоат назоратини ўрнатish мақсадида давлат томонидан етарли маблағ ажратилган. Қонуний кафолатлар яратилган. Кучли давлатдан кучли жамяят сари додил одимлар ташланмоқда. Шундай экан, оқсоқол маҳалланинг отаси, маҳалла учун масъул шахс эканини англаб етиш даври етди. У маҳаллада яшайдиган ҳар бир фуқаронинг хатти-ҳаракатларидан боҳобар бўлиши керак. Аксарият жиноятлар муайян тайёргарликдан кейин содир этилади.

Жиноят қилиш нияти аввало тафаккурда шаклланиб, сўнг ҳаракатга кўчади. Бу жараён кўп ҳолларда оила давраси, маҳалла курушвида кечади. Шубҳали қадимлар, юриш-туришлардаги бежолликларда кўринади. Кузатувчан, бепарво бўлмаган киши бундай хатти-ҳаракатларни тезда илғаб олиши тайин. Шундай пайтда, жамоатчиликнинг аралашуви зарур бўлади. Ёмон мақсадлар пайда юрган ўсмирга вақтида панд-насихат қилиб тушунтирилса, ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этилса, унинг тўғри йўл топиб кетишига ҳеч шак-шубҳа йўқ.

Яна бир масала. Президентимизнинг биз кечиримли халқимиз, адашганлар тавба қилиб келишса кечирамиз, дейишлари катта воқеа бўлди. Бу миллий яхлитликни сақлаш, ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий муҳитни соғломлаштириш йўлидаги улғу қадомдир. Халқимиз Президент Ислам Каримовнинг одиллиги, мардлиги ҳамда баргиреклигига, сиёсатининг инсонпарварлигига яна бир қарра ишонди. Буни билиб-билмай нотўғри йўлга кириб қолган, носоғлом, маънавиятимизга ёт мафқура таъсирида бўлган ёшларнинг юртбошимиздан, халқимиздан кечирим сўраб келаётганларидан ҳам билиш мумкин. Улар қилган ишларидан, қилган йўлларидан минг бора пушаймон эканини билдиришмоқда. Бу вилоятимизда соғлом фикр ҳамда ишчан кайфиятли ёшлар Ватан ва халқ олдидаги бурчини янада теранроқ англай бошлаганидан далолатдир.

- Бу албатта қувонарли ҳолат. Жамятда соғлом муҳитнинг барқарорлашуви миллий тараққиётни таъминлашга оддий ҳақиқат. Бунинг учун эса мукамал қонунчилик ва қатъий ижро импозити зарур. Хабарингиз бор, яқин 6-7 йил ичида зарур қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Жамятимизнинг ҳуқуқий негизи яратилди. Энди вазифа қонунларга оғшмай амал қилишдан иборат. Айтмиг-чи, Жиззах вилояти мисолида қонунлар ижроси аҳолини қониқарили дейиш мумкинми?

- Вилоятимиз асосан қишлоқ ҳўжалигига ихтисослашган. Бу соҳага оид қонунлар ижроси доимий назоратимизда. Тизимда туб иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар, Президент фармонлари ҳамда ҳўкумат қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган таҳлил ва текширишларда аниқландики, экинларни пайҳон қилиш, нобудгарчилик,

ўғирлик, талон-торож ва бошқа қонунбузарликларнинг олдини олиш, ер, уруғлик, қорва, техника, минерал ўғитни сақлаш, тежамли фойдаланиш боросидоғи ишлар қониқарсиз аҳволда. Соҳага мутасадди раҳбарлар ҳамон эскича ишлаш ва фикрлаш кўникмасидан қутила олишмаяпти. Буни вилоятда пахта ва дон етиштиришнинг аҳолидан ҳам билиб олиш қийин эмас. 1998 йил вилоятда 111337 гектар ерга чигит қадалиб, 152485 тонна ҳосил олинган. Бу режага нисбатан 59,3 фоиз пахта ҳам ашёси сотилди дегани. Пахта тайёрлаш режаси Пахтакор туманида 56,7, Зомин туманида 52,1, Мирзочўл туманида 46,19, Дўстлик туманида эса 40,56 фоизга урдаданган, холос. Биргина пахтачиликдан йил якуни бўйича 2 миллиард. 921 миллион 442 минг сўмдан ортиқ зарар кўрилган. Вилоятда галлчиликдан кўрилган зарар эса, 344 миллион 121 минг сўмини ташкил этади.

Бундан англашиладики, йил бўйи пешона терини тўкиб ишлаган деҳқон моддий манфаат кўролмади, на рўзгорини бутлай олади ва на-да орзу-хаваслари улашишининг имконини топади. Бозор иқтисодиёти шоритида хар ким меҳнатига яраша даромад олиши шарт. Бу - қонуният. Аммо деҳқоннинг айби нимада? Уруғ ёки ўғит талон-торож қилинса, ёхуд раҳбарнинг бепарволиги, ишга совуққон муносабати тўғрисида вақтида етказиб берилмаса, техника созланиб далага чиқарилмаса деҳқонда нима айб! У ахир раҳбар топширган ишни бекаму кўст урдалаган-ку! Таҳлилларнинг кўрсатишича, қишлоқда ислохотлар султ боришига соҳа мутасаддиларининг укувсизлиги, ишни тўғри ташкил этилмагани, энг асосийси, ўз манфаатини ҳар нарсадан устун қўйишга одатланиб қолгани сабабчидир. Энди фикримни фактлар билан далилласан.

Ўтган йилнинг 27 ноябрида республика Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни фаоллаштириш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Прокура-тура идоралари томонидан йил давомида ўтказилган текширишларда 109 та ҳуқуқбузарлик ҳолати аниқланди. Вилоят бўйича 37,4 гектар қишлоқ ҳўжалик экинлари пайҳон қилинган. Қонунбузарларга нисбатан тегишли прокурорлик таъсир чоралари кўрилди. Шунга қарамасдан, мутасаддиларнинг муросса-созлиги тўғрисида бирорта раҳбарга нисбатан вазифасидан озод қилиш каби қатъий чоралар кўрилмаган.

Ерга муносабат масаласида ҳам худди шундай ҳолатнинг шохиди бўлиш мумкин. Айрим ҳўжалик раҳбарлари ерни талон-торож қилиб, сунистьёмолчиликларга йўл қўймоқда. Шундай ҳолатлар юзасидан 21 та жиноят иши кўзгатилади. Зомин туманидаги «Гулистон» ижара ширкатлар бирлашмасида пахта экилиши лозим бўлган 40,7 гектар ер ишчи-хизматчиларга шахсий томорқа сифатида берилган. Шу тумандаги «Ғалаба»

ҳўжалигида 70,8, «Оқар» бирлашмасида 123,7 гектар ер бошқа мақсадларда фойдаланилган. Ушбу қонунбузарликлар юзасидан ҳўжалик-ларнинг раҳбарлари жиноий жавоб-гарликка тортилди. Бу каби сунистьёмол-чиликлар вилоятда пахта ва бошқа қишлоқ ҳўжалик экинларини режаларининг бажа-рилишига салбий таъсир кўрсатмоқда.

- Чиндан ҳам, Жиззах вилояти қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари етиштириш ишлик режаларини бажармасдан келаяпти. Бу вилоятда ишни тўғри ташкил этилмагани, мутасадди раҳбарларда ишбилармонликнинг етишмаслигидан экани шубҳасиз. Масаланинг яна бир томони мавжуд. Минг бир машаққат билан етиштирилган ҳўсалининг сақланиши амалдаги қонунлар талаблари даражасида ташкил этилганми?

- Бу каби саволларга жавоб топиш мақсадида вилоят «Жиззахдонмаҳсулот» акциядорлик бирлашмаси тизимидаги корхоналарда етиштирилган бошқоқли дон экинлари ҳўсалининг сақланиши ва мулкнинг дахлсизлигини таъминлаш аҳоли текширилганда, бирлашма масъул раҳбарлари томонидан назорат сўсайтириб юборилганлиги маълум бўлди. Оқибатда айрим корхоналарда дон маҳсулотларини талон-торож қилиш одатий ҳолга айилниб қолган. «Зарбдор элеватори» акциядорлик жамяти омбор мудири А.Шодмонқулов 328900 килограмм дон маҳсулотларини ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-торож қилиб, давлатга 3 миллион 867 минг 600 сўмлик жуда кўп миқдорда моддий зарар етказган. У республика Жиноят Кодексининг 167-моддаси 4 - қисми, 209 ва 207-моддалари 1- қисми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Етиштирилган пахта ҳўсали ва чигитнинг сақланиши ҳам тўғри ташкил этилмаган. Халқ мулкни «туя» қилиш айрим кимсаларнинг қундалик ишига айилниб қолган. Даштубод пахта тозалаш корхонаси қўшидаги қабул қилиш пункти товаршуноси Ф.Маматовнинг моддий жавобгарлигида бўлган 7,9 миллион сўмлик пахта ҳам ашёси камомати мавжудлиги аниқланди. Мазкур ҳолат бўйича Ф.Маматов ва бошқаларга нисбатан жиноят ишлари кўзгатилади. Бу каби жиноятлар Жиззах шаҳар, Учтепа ва Дўстлик пахта тозалаш корхоналарида ҳам содир этилган.

Назаримда бу каби жиноятларнинг пайи кирқилиши вилоят қишлоқ ҳўжалигида туб ислохотларни амалга ошириш, қутилган самарга эришишда муҳим омил бўлиб хизмат қилиши аниқ. Зеро, қонун ҳурмат қилинган жойдагина ишда унум, барака бўлади.

Бозорбой УЛЛИБОЕВ суҳбатлашди.



- Шифобахш лимонларингиз учун раҳмат, бобожон. А.МАМАТҚУЛОВ сурати.

• Орамиздаги одамлар

БИР ЖУФТ ОЛМА

ПРОКУРОР МАДАНИЯТИ ВА МАЪНАВИЯТИ ХАКИДА СЎЗ



Яқинда хизмат юзасидан пойтахтнинг Сирғали тумани прокуратурасида бўлишга тўғри келди. Туман прокурори Одил ака билан суҳбатлашиб турганимизда милиция формасидаги аёл тўққиз-ўн ёшлар чамасидаги, кийимлари йиртилган, афти-ангори бир ҳолдаги болақайни етаклаб келди.

- Одил Расулович! Мана бу боланинг туркига қаранг. Оқ-кўрғондаги болалар уйдан қочибди, - деди.

Энди прокурордан эшитадиганини эшитса керак, деб турган эдим.

- Нима бўлди, Саша? - дедию прокурор ўрнидан турди.

Сўнг шифа тепасидаги ликолчадан бир жуфт қип-қизил олмани олиб, халиги болага узатди.

- Саша, «детдомдан нега яна қочдинг? - деди оталарча меҳрибонлик билан.

- Саша, ўқиш керак, - деди ваэминлик билан прокурор. Сўнг милиция ходимиға: - Менинг номимдан болалар уйининг директорига хат тайёрланглар. Наҳотки, лоқайдлик шу даражага етса, - деди.

Прокурорнинг илтифотидан милиция ходими бироз юмшоб:

- Одил Расулович, «детдомға» иложидан бўлса ўзим боришга ҳаракат қиламан, - деди. Бундай муруватни кутмаган Саша бир жуфт олмани бағрига босганича бир прокурорға, бир милиция ходимиға, бир менга қарарди.

Тўғриси, Одил ақанинг бу ҳаракатлари милиция ходимини шошириб қўйди. Мен эса чўқур ўйга толдим. Гап прокурорнинг болага берган бир жуфт олмасида эмас, балки, прокурор маънавияти деган тушунчанинг ниҳоятда кенг қамровли эканига икковмиз ҳам чўқур ишонч ҳосил қилган эдик.

Одил ақадан сўрайман:

- Сиз чорак асрдан бери прокурорликнинг лоялиги еялсиз. Оила боқаялсиз. Эл-юртда, ҳаммасларингиз орасида обрўйингиз бор. Прокурор ким? У қандай бўлиши керак? Ҳеч ўйлаб кўрганингизми?

- Ёшинг бир жойға бориб қолгандан кейин бу ҳақда кўп мулоҳаза юритадиган бўлиб қоларкансан, - дейди Одил ака. Прокурор энг аввало, инсон бўлиши керак. Инсонлигини унутган ҳар қандай шахс элнинг назаридан қолади.

- Одил ака, ходимларингизга нисбатан қаттиққўл экансиз. Жиноятчиларға муносабатингиз қандай?

- Қаттиққўллик ҳам керак. Кўп ҳолларда кўнгилбўшиқ қилинса иш юришмоғида.

Замонни кўриб турибсиз. Прокуратура ходимиға нисбатан талаб янада кўчаймоқда. Бир сўз билан айтганда ўз ваэифамизни бажаришимиз керак ва шарт деб ўйлайман. Президентимизнинг ҳам, Бош прокуроримизнинг ҳам талаби шундай. Жиноятчиларға нисбатан ўта шафқатсизман. Аммо, қонунни буэмояман. Узингиз ўйланг, бирон фуқаро «тўй қиламан ёки уй оламан» деб пешона тери эваэизга неча йиллаб йўқан пулни бир кечада бир ўғри ўмариб кетса, бу жиноятчиға нисбатан қандай шафқат қилиш мўмкин. Мен энг биринчи навбатда ўзимни жабрланувчи ўрниға бир дам бўлсада қўйиб кўриб, жиноятчининг шахси ва қилмишини ҳам назордан четда қолдирмайман. Сўнг прокурор сифатида ўз фикримни айтаман.

- Сиз кўпинча маҳалла жамоалари, ўқув юртлари талабалари билан учрашишдан олдин нималар ҳақида ўйлайсиз?

- Бизнинг халқимиз озалдан маданиятли ва маънавиятли халқ. Минг мулоҳаза қилиб бир гапироди. Мен шу халқ фарзанди сифатида ана шу хислатларни чўқур англайман ва юрагимдан ўтказаман. Халқимизда дардини дастурдан қилиб, шовкин-сурон қилиш одати йўқ. Аммо, ноҳақликни ҳам ҳазм қилмайди. Мен юртбошимизнинг «халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсаға чидаши мўмкин, аммо адолатсизликка чидай олмайди» деган сўзларини ўзимға дастурий амал қилиб олганман. Одамлар юзига тик қараб: «Қандай муаммо бўлса, келинглор биргаликда ҳал қиламиз», дейман. Энг қувончлис, одамлар бизға ишонимшўқда. Менинг назаримда инсон учун халқ ишончидан юксак баҳо бўлмаса керак.

Ҳар доим ишда адолатли бўлишға ҳаракат қиламан. Бу ваэифани қанчалик удалой оляяман, бунға ҳаммасларим баҳо беришади. Журналистлар кўпинча ўз суҳбатдошларига «ҳаётингиздан мамнунмисиз», деган савол беришади. Одил акаға ана шу саволни берганимда у киши узўқ ўйланиб қолди. Сўнг мийиғида кулиб қўйди.

- Оллоҳға қайсибир ишимиз ёққанки, шу кўтлуғ кунларға етиб келдим, - дейди ички мамнуният билан. Сўнг эса самимий оҳангда қўшиб қўйди. - Мен - бобоман. Невароларим бор. Юртинг, оиланг тинч бўлса, бундан ортқ бахт бўлмаса керак. Энг мўҳими, одамларға кераклигининг қалбдан хис қилиш ҳам катта ютуқ. Ҳалол одамига ризқини Оллоҳ бериоди. Беш бармоқни озғизга тикқанни халқ ҳам, яратган ҳам кечирмайди.

Одил ақадан: «сиз ҳоётда нимадан кўрқасиз?» деб сўраганимда у киши хона дервасидан ташқарига тикилиб туриб бир сўзни айтди: «Ҳеч ким элнинг назаридан қолмасин. Ёруғ олалида халқнинг эътиборидан қолишданда оғир жазонинг ўзи йўқ».

Одил ака билан хайрлашиб катта кўчага чиққанимда ҳам бир жуфт олмани борриға босиб турган бола кўз олдимдан кетмасди.

З. МАМАДАЛИЕВ, «Хукук» муҳбири.

• Мулоқот

- Бахтиёр Отамуродович! Туманға прокурор бўлиб тайинланганингизға ҳам яқинда бир йил бўлади. Қисқа вақт ичида қилган ишлардан кўнглингиз тўлдиими?

- Бектемир туман прокурори этиб тайинланганимдан кейинги салкам бир йиллик давр кўз очиб юмгунча ўтиб кетди. Бугунги фурсатдан фойдаланиб, орқаға назар ташлаш ва ишларни таҳлил қилиш фойдадан холи эмас. Негаки, бу таҳлил орқали «Қандай ишларни амалға оширдим, нималарни қилишға улғурмадим?» деган саволларға жавоб кидиришнинг табиий.

Ўтган 1998 йил давомида туман прокуратураси томонидан жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш борасида талайгина ишлар амалға оширилди.

Туман прокуратураси томонидан қонунчиликнинг ижроси устидан умумий назорат тартибида жами 83 та текшириш ўтказилди.

- Яқинда шаҳар прокуратурасининг ҳайъат йиғилишида Бектемир туманидаги айрим корхоналар оғборларида тайёр маҳсулотларнинг 50 фоизидан кўпроғи туриб қолаётгани қаттиқ танқид остиға олинди. Бунинг сабаби нимада?

- Бозор иқтисодиётининг ўз қонунлари бор. Шуларнинг асосийларидан бири талаб ва тақлифдир. Агар ана шу қонун буэилса номунасобилк юзаға келади. Бу муаммоларни таҳлил қилиб, баэзи мулоҳазаларимизни айтишимиз мўмкин. 1998 йилда туманимиз корхоналарида тайёрланган 906,8 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар сотилмасдан оғборларда туриб қолган.

Биргина «Ўзтальмотор» корхонасида 888,1 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар сотилмасдан қолган. Биз бу муаммони мўтахассислар ёрдамида ўрганиб чиқдик. Аниқланишича, «Ўзтальмотор» корхонаси асосий маҳсулотларни Тошкент трактор заводи учун ишлаб чикаради. 1998 йилда Тошкент трактор заводнинг бюртмасига асосан 888,1 миллион сўмлик тайёр маҳсулот ишлаб чикарилган. Лекин Тошкент трактор заводнинг ўз бюртмачининг тайёрланган маҳсулотларни сотиб олишға имконияти бўлмаганлиги сабабли тайёр маҳсулотлар оғборларда қолиб кетган.

Туман прокуратураси ва бошқа мутасадди ташкилотларнинг аралашуви туфайли жорий йилнинг январь-феврал ойларинда «Ўзтальмотор» корхонасининг оғборларида туриб қолган тайёр маҳсулотнинг 200 миллион сўмға яқини сотилган.

Шунингдек, «Ўзсувасбобускунамаш» корхонасида 16,8 миллион сўмлик ва Тошкент темир - бетон заводида 1,8 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар сотилмай қолган.

Корхона ва ташкилотларнинг оғборларида нима учун тайёр маҳсулотлар сотилмасдан

ХОТИРЖАМ ИШЛАШГА ХАЛИ ЭРТА

Бектемир тумани прокурори Бахтиёр Отамуродов билан суҳбат

туриб қолмоқда?

Биринчидан, корхона ва ташкилотлар бозор қонуниятларини ўрганмасдан маҳсулотлар ишлаб чикармоқдалар. Натияжада бу маҳсулотлар ўз харидорларини тополмасдан, оғборларда тўпланиб қолмоқда. Бу эса, албатта, ишлаб чикариш сўяратига салбий таэсир кўрсатмоқда.

Иккинчидан, бюртмачиларнинг ҳисоб рақамида пули бўлмаганлиги сабабли, улар учун ишлаб чикалган маҳсулотлар сотилмай қолмоқда. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, айрим ташкилотлар раҳбарлари бозор иқтисодиёти қонунларини чўқур билишмайди. Тўғриси, бу соҳода нўноқликка йўл қўйилмоқда.

- Ўзингизға маълумки, ҳозирги даврда жиноятларнинг маълум қисми бозорларда содир қилинмоқда. Бектемир туманида «Кўйлик» бозори фаолият кўрсатиб келяпти. Бу ерда жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қандай ишлар амалға оширилди? Дехқонлар эркин савдо қилишлари учун имкониятлар етарлими?

- Таҳлиллар шунини кўрсатдики, ҳозирги кунда бу бозорда асосан ўғрилик жиноятлари содир этилмоқда.

Бозорларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш борасида туман прокуратураси ИИБ ва ДСИ билан ҳамкорликда муайян ишлар амалға оширмоқда. Жўмладан, туман ҳуқуқ-тартибот ходимларидан иборат махсус гуруҳ ташкил этилган. Ўшбу гуруҳ аэзалари бозор худудида жиноятчиликка қарши кураш борасида фаолият кўрсатиб келмоқда. Улар томонидан мунтазам ровишда текширишлар ўтказилиб турибди.

Айрим нопоқ кимсалар бозорларға тирикчилик учун келган дехқонларни турли йўллор билан алдашға, уларнинг маҳсулотини ўмаришға ҳаракат қиладилар. 1980 йил туринган Бекзод Халиқулов «Кўйлик» бозорида фуқаро Х.Жалиловнинг 100 дона сулуғрисини ўғирлаб кетган. Ички ишлар ходимларининг ўз вақтида қилган ҳаракатлари туфайли жиноят очилди. Бекзод Халиқулов суд ҳукми билан 6 йил муддатта озодликдан маҳрум қилинди. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мўмкин. Энг ақнорлиси, айрим бекорчилор бозорларда изғиш эртдан-кечга бозор кезишади. Охир-оқибатда бозор жиноий гуруҳға қўшилиб қолганларини ўзлари ҳам билмай қолишади.

- Бахтиёр ака, таҳсиллар шунини кўрсатмоқдасиз, Бектемир туманида вояға етмаганлар орасида гуруҳ ва реэидеви жиноятлари ўтган йилға нисбатан кўпайган. Бунинг сабаби нимада?

- Бектемир туман худудида 1998 йил давомида вояға етмаган ёшлар томонидан 36 та турли ҳуқуқбузарлик ҳолати содир этилган.

Вояға етмаган ёшларнинг жиноят кўчасига кириб қолаётганиги, уларнинг оғир ва ўта оғир жиноятларға кўл ураётганлиги таэвишли ҳолдир.

Масалан, туманимизнинг «Бинокор» кўрғончасида яшайдиган, 1980 йилда туринган Ҳоёт Музаффарни жиноий гуруҳ сафига кириб, 5 марта ўғирлик қилган. Музаффарни жиноят кўчасига киришиға ким айбдор? Менинг назаримда биринчи навбатда энг аввало унинг ота-онаси айбдор. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, унинг ота-онаси жамият олдидаги масъулиятини унутишган кўрнуда.

Яна бир мисолға этиборингизни қаратмоқчиман. «Мусаввир» кўчасида яшаган, 1981 йилда туринган, ҳеч қаврда ўқимайдиган ва ишламайдиган, туман ИИБ вояға етмаганлар билан шуғулданувчи инспекциясида рўйхатда турган Иван Стоянов оғир жиноятға кўл ўрган. У маст ҳолатда уйда хотини билан уришиб қолиб, хотинининг ҳомилидорлигини билан туриб уни пичоқлаган. Натияжада у хотини ҳамда туғилажак фарзандининг қотилиға айланган.

- Ўзингизға маълумки, Юртбошимиз маҳалла қўмиталариға жууда катта эътибор бермоқда. Шундай экан, туман прокуратураси маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда қандай ишларни амалға оширяпти?

Ешларнинг тарбиясида маҳалла оғсоқлорли ва фаолларининг таэсири катта бўлишини назорда тутган ҳолда туман прокуратураси маҳалла қўмиталари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда.

Туман прокуратураси «Бинокор», «Зилола», «Истиқлол» маҳалла жамоалари билан яқин алоқа ўрнатган. Маҳаллаларда бўлган юэма-юз учрашуларда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш муаммоларини мўхомама қилиб бормоқдамиз. Биргаликда қилган соъй-ҳаракатларимиз туфайли туманимизнинг кўпгина маҳаллаларида жиноятчиликнинг кескин камойишиға эришилди. Келгусида ҳам маҳаллалар билан алоқани мустаҳкамлашни режалаштирганмиз.

ЗАЙНИДДИН СУҲБАТЛАШДИ.

• Юзма-юз

ВАЗИЯТ ТАҲЛИЛИ

- Бешариқ туманининг жуғрофий ўрни унинг ҳуқуқий ҳаётига маълум маънода таъсир кўрсатадими?

- Албатта. Ҳудуди жиҳатдан туманини Фарғона вилоятида энг катта туман ҳисобланади. Аҳолиси кўпмиллатли. Кўшни Тоҷикистон Республикаси билан 85 километр узунликда чегаралик бор. Республикадан ташқарига чиқи кетувчи йўлларга ўрнатилган боғжона постларини эътиборга олмаганда икки давлат ўртасида расман ҳеч қандай чегара тўсиғи йўқ. Айрим қишлоқларимиз кўшни республика қишлоқлари билан деярли туташиб кетган. У томондаги бекарорликнинг таъсири бизга ҳам сезилиб туради. Албатта, қадимдан қанда-анда, ака-ука, ошна-оғайни бўлиб, ўзаро қаттиқ кетиб, тақдир тақозоси билан чегаранинг икки томонидан қолган кишиларнинг ўзаро алоқалари бундан кейин ҳам ошовм этаверади. Фақат энди бу алоқалар умум қабул қилган ва мустақил икки давлатнинг ўз ички қонун-қоидалари асосида йўлга қўйилади. Шунга ўрганишимиз, юрдошларимизда шундай кўнжимани шакллантиришимиз даркор. Бу энди бугуннинг, эртанги ва келажакнинг вазифаси, бироз вақт талаб этадиган жараён.

Чегара ҳудудларида турган ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари буни эътиборга олган ҳолда, айни пайтда ҳар хил қонунбузарликларнинг йўлига тўсиқ қўйиш учун бутун чораларни кўрмоқдалар. Бу йўналишда бизнинг эътиборимиз асосан иккита масалага қаратилган. Биринчиси - у томонда анча кенг тарқалган ва кўпчилик жиноий гуруҳлар учун деярли тирикчилик воситаларига айланиб қолган гивандлик моддаларини бизнинг ҳудудимизга олиб ўтиш. Иккинчиси, бизда анча арзон бўлган эңилғи-мойлаш материаллари ва озиқ-овқат маҳсулотларини республикамиздан олиб чиқиб кетишга уринишлар билан боғлиқ жиноятлардир.

Ўтган йили Қирғизистон фуқароси Али Ҳусеинов ва Тоҷикистон Республикаси фуқароси Қосимов Али уч килограммга яқин гивандлик моддаси - қора дорини республикамизга олиб ўтаётганларида қўлга олинди. Жиноятчилар қилмишига яраша жазога тортилди. Бу яна ҳол эмас ва қўлга тушган

лар Мирзо Бобур айтмоқчи, кимки ёмон бўлса жазо топқусидир.

Икки ярим тонна соляркани ноқонуний олиб чиқиб кетаётган Тоҷикистон Республикаси фуқаролари А.Раҳматов ва М.Пўлатовлар ҳам жазога маҳкум этилдилар.

- Булар ягона далиллар эмас.

Айни пайтда бутун ҳудуд бўйлаб муайян чегара тўсиғи йўқлиги учун ҳозирча қўлга тушмай қолган қонунбузувчиларнинг бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас. Бироқ масаланинг бошқа жиҳати ҳам бор: моддий воситалар, яъни кўз билан кўриб, кўл билан ушласа бўладиган воситаларга дахлдор жиноятлар йўлига ҳар ҳолда тўсиқ қўйилмоқда. Аммо кўз билан кўриб бўлмайдиган, лекин зийни ниятда катта бўлган жиноятларнинг олдини олиш масаласида нима ишлар қилинмоқда?

- Нимага ишора қилаётганимизни тушуниб турибман. Тоҷикистонда Ислам Республикаси ўрнатишга уринишлар, ҳозирги Тоҷикистон Республикаси ҳукуматининг мухолифат билан муро-сага келгани ва чегарамизнинг орқа томонда диннинг қайси мазҳабига амал қилинаётгани, бу ўша давлатнинг ички иши. Бироқ, тўғриси, Тоҷикистондаги бекарорлик бизга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Ахир беҳи-зага қўшнинг тинч - сен тинч, демай-диларку. Динни сиёсийлаштириш, яъни ўз номи билан айтадиган бўлсак, имкон топилди дегунча воҳобий никоби остида давлат ишига аралашувга чоғланган кимсалар бизда ҳам топилади. Уларнинг феолияти назоратга олинган. Аҳоли ўртасида тушу-тириш ишлари олиб борилмоқда. Диний-экстремизмининг ашодий тарафдори бўлган «Ҳезби-таҳрир» ташкилотининг тумандаги раҳбари ва аъзолари фош этилди. Маҳалла оқсоқоллари ва феолилар ёрдамида мажмур жиноий уюшманинг асл мақсадини халқимизга тушунтириб бердик. Халқ денгиздир, халқ тўқиндир, халқ кучдир, деган шонир ҳақ экан. Ҳар бир оилада, ҳар бир қишлоқ, маҳаллада, ҳатто иш жойларида мустакиллигимизни, тинч ҳаётимизни

кўролмайдиган кимсаларга нафрат кайфияти кучаймоқда. Кўпчиликнинг нафратидан қочиб қутулиб бўлмайди. Шундан бўлса керак, бундай йўлга адашиб кириб қолган ёшлар, уларнинг ота-оналари келиб кечирим сўрашмоқда. Президентимизнинг бу борадаги бағрикенглиги вазиятни юмшатишга жуда катта ёрдам берди. Чунки ҳозир ичимиздан душман излайдиган пайт эмас.

- Кечиримли бўлиш фақат авфи умумийдангина иборат эмас. Унинг иккинчи томони - тавба қилганларга ёрдам бериш масаласи ҳам бор.

- Биз бу масалани чуқур таҳлил қилиб чиқдик. 11 та саноат корхонаси бўлишига қарамадан туманимиз асосан қишлоқ хўжалигига ихтисослашган. Хўжаликларнинг иқтисодиёти қўллаб-қувватланишга муҳтож. Ишсизлик тумандаги энг катта муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Муаммони очик айтиш ва уни бартараф этиш учун тўғри чора-тадбир ахтариш ўрнига, айрим масъул шахслар ишсизлар сонини камайтириб кўрсатишга уринишмоқдалар. Ҳақиқий аҳволни аниқлаб олдик. Асосан мактабни битирган ёшларнинг катта қисми «эгасиз» қолаётган экан. Ҳар хил диний-тажовузкор оқимлар таъсирига тушиб қолаётганлар ҳам ана шулар. Туманимизнинг ички имкониятидан келиб чиққан ҳолда бу муаммони маълум маънода юмшатиш чоралари кўрилмоқда. Лекин уни яхлит ҳал қилиш учун беш-ўн йилга мўлжалланган ва давлат дастури таркибидан акс этадиган аниқ тадбирлар белги-лаб олиш зарурати аллақачон етилган.

Мофкурада, маънавий тамойилларда бўлиш бўлиши мумкин эмас, деган гапнинг нақадор тўғрелигига яна бир бор амин бўлдик. Ниманики мустакиллик манфаатига хизмат қилмас экан, уни рад этиш ва ақининг му-стақиллигимиз, халқимизнинг тинч-лиги, омонлигига хизмат қилувчи барча ҳаракатларни, ташаббусларни, қарорларни қўллаб-қувватлаш билан мақсадга эри-шиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Сўзбатдош:
А.АБДУҲОЛИҚОВ.

• **Жиноятга жазо муқаррар**

Ҳар бир соҳа, ҳар бир касбда маҳорат керак. Ҳатто ўғри, муттаҳам, қаллоблар ҳам тажриба ортттириб боришаркан. Шароф Рашидов туманидаги «Ипакчи» кенг тармоқли хусусий ишлаб чиқариш савдо фирмаси раҳбари, казо-казолар сафида савлат тўкиб юрадиган йўлчибой Саримсоқов ҳам қаллобликни касб қилиб олди-ю, аммо бу соҳада «маҳорати» етишмаганлиги панд берди.

Савдо фирмаси туманда пилла етиштиришга ихтисослаштирилган. Фирманинг ишонч қозғи билан 1996 йилда Ташкент вилояти пиллачилик ишлаб чиқариш бирлашмасидан 460 қути, 1997 йилда Фарғона пилла қуришти завоидан 857 қути пилла уруғи келтирилиб, туман ҳудудидоги деҳқон-фермер хўжаликларига тарқатилган.

1996 йил мавсумида 460 қути пилла уруғидан режадаги 19000 килограмм ўрнига 22050,7 килограмм ҳўл пилла қилинди. Бироқ ҳосилни қуришти ҳисобида 2,6 коэффициенти қўлланилганда 8481 килограмм ўрнига 5815 килограмм хомашё олинди ва 2666 килограмм камомдаги йўл қўйилиб, давлатга 933100 сўмлик зарар етказилди. Нафси ёмон тўйда ўлар, деганларидек, «Мавсум йилда бир келади, шу қулай имкониятдан фойдаланиб қолай, қурт боққанлар билиб ўтирибдими, 20-30 қишининг номига... кило топширилди, деб қўшиб ёзиб юборсам, жарақ-жарақ пулни қуртай саноб олам», деган ҳаёлга борган йўлчибой Саримсоқов Манзура Эшонсарова, Дилорам Эшонқулова, Жумагул Эминова, Жамила Ҳасимова номларига ҳам 187 килограмм, яъни 5817 сўмлик ҳўл пилла қўшиб ёзиб, имзоларни сохталаштирди.

1997 йилда ҳам шу «тажриба» қўлланилди. Хуллас, йўлчибой икки йил мобайнида 30 нафар фуқарога 1586 килограмм яъни 73769 сўмлик ҳосилни қўшиб ёзиб, ҳужжатларни қалбаки-

«ҚўЛЛАБ-ҚўЛЛАБ» БОЙ БўЛМОҚЧИ ЭДИ

лаштирди.

1997 йил мавсумида 23132 килограмм ҳўл пилла қабул қилиниб, режадаги 8896,9 килограмм ўрнига 5145 килограмм саноат хомашёси олинди ва бундан давлатга 1313165 сўмлик зарар келтирилди.

Фирма раҳбарларининг уквусизлиги, лоқайдлиги, давлат мулкига хўжасизларча муносабати оқибатида пилла ҳосили ерга тўкилаверган. Пилла техник талабларга қўра СК-150 агрегати ёрдамида қуритилиши керак эди. Аммо И.Саримсоқов зарур чора-тадбирларни кўрмоқди. Бу агрегат йўқлигидан хомашё газ билан қурилади. Оқибатда пилла ичидоги гўмбаклар сақланиб қолмади ва қуқунга айланди. Қимматбаҳо саноатбоп маҳсулотнинг сифати бузилди.

Суд жараёнида сўроқ қилинган гувоҳлар қўшиб ёзилган ҳосил учун ҳеч қандай ҳужжатларга имзо чекамганликларини ва ҳақларини олмаганликларини билдиришди. Йўлчибой Саримсоқов ҳеч қандай эътирозга ўрин қолдирмаган қайсар далиллар олдида мум тишлаб қолди. Раҳбар одам ўсал бўлмасин экан. Оддий фуқаролар кўз ўнгидо шундай басавалят, обрўли одамнинг боладай ер қизиб турши гоятда ачирнарли ҳолдир.

Фирма раҳбарининг корхонани банкрот ҳолатига олиб келганлиги ҳам текширишлар натижасида аён бўлиб қолди. И.Саримсоқов корхона иш фаолиятини тадбиркорлик билан олиб бораётганда фирма 1996 йилни 120 минг 190 сўмлик зарар билан яқунлаган. 1997 йилнинг 1 январ ҳолатига товар етказиб берувчи ва хизмат кўрсатувчиларга 510120 сўм, ишчи-хизматчиларга 110867 сўм, ижтимоий сўғурталарга ажратмаларга 48867 сўм, бюджетга 11927 сўм, бюджетдан ташқари тўловларга 2506 сўм жами 684287 сўмлик қарзлари мавжуд эди. Фирма тўлов қобилиятини йўқотди. Бироқ туман ҳокимиятининг корхонани тўлов қобилиятини тиклаш юзасидан берган қафолат хати, шунингдек Вазирлар Маҳкамасининг «Республика қишлоқ хўжалик корхоналарини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 1997 йил 13 январдаги қарорига асосан вилоят хўжалик суди фирманинг банкрот бўлганлигига доир ишчи 1997 йил 20 майгача тўхтатиб турди. Шунга қарамай И.Саримсоқов аҳволни ўнглаш чораларини кўрмоқди. Вилоят хўжалик судининг қарори билан фирма банкрот деб топилди. Узининг жиноий ҳатти-ҳаракатлари билан меҳнатқашларнинг ҳақиқа кўз олайтиргани, давлат мулкига катта миқдорда зарар етказгани, корхонани банкротлик даражасига тушириб қўянлиги учун судланувчи йўлчибой Саримсоқов Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан 3 йилга озодликдан маҳрум қилинди.

Йиллар довомида миқсқолаб йиғилган обрў-эътиборга путур етди. Энди уни ҳеч бир қонун-қоида билан тиклаб бўлмайди.

Бахтиёр ЖОНИҚУЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси.



Сурхондарё вилоят прокуратураси ходимлари навбатдаги ўқув машғулотидан олтидан.

А. МАМАТҚУЛОВ сурати.

Хукукий

Саволларга хуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб беради

МАСЛАХАТХОНА

ЎЗАРО КЕЛИШУВ

Сизларга бир савол билан мурожаат этмоқчи эдим. Менинг ўғлим тошни қайта ишлаш комбинатида слесарь бўлиб ишларди. 1998 йил 4 декабр куни иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги таътилга чиққан эди. 1999 йил 4 январ куни у ишга қайтибқоқ ариза ёзиб ишдан кетди. Айтингчи у айнан ўша куни ишдан кетиши шартми?

**К.Муҳамидинова,
Ғазалкент шахри.**

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 99-моддаси талабига мувофиқ ходим меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақлилиги кўрсатиб ўтилган. Бунда ходим иш берувчини икки ҳафта олдин меҳнат шартномасини бекор қилиши тўғрисида огоҳлантиради. Огоҳлантириш муддати тугагандан сўнг ходим ишни тўхтатишга ҳақли, иш берувчи эса ходимга меҳнат дафтаричасини бериши ва у билан ҳисоб-китоб қилиши шарт.

Лекин меҳнат шартномаси огоҳлантириш муддати тугамасдан туриб ҳам бекор қилиниши мумкин, бунинг учун ходим билан иш берувчи ўртасида келишув бўлиши лозим.

Яна бир ҳолат борки - агар огоҳлантириш муддати тугагандан кейин ходим билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинмаган ва меҳнат муносабатлари давом этаётган бўлса, ходимнинг ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилиш ҳақиқати ариза ўз кучини йўқотади. Бундай ҳолда меҳнат шартномасини шу аризага мувофиқ бекор қилишга йўл қўйилмайди.

ИШЛАБ ТОЛМАЙМАН

Мен 1990 йили ногирон деб топилганимдан сўнг 2-гурух ногиронлик нафақаси беленланди. Ҳозирда 2868 сўм нафақа оламан ва айни пайтда ишламоқдаман. Шу нафақамни ижтимоий таъминот бўлимида кейинги беш йиллик иш стажимни қайта ҳисоблаб кўрайтиришим мумкинми?

**Худойёр Ғофуров,
Андижон вилояти,
Пахтабод тумани.**

Агар сиз ногиронлик пенсиясини олиб ва айни пайтда ишлаётган бўлсангиз, кейинги беш йиллик иш стажингизни ҳисоблашингиз мумкин.

Лекин бу ногиронлик нафақаси ҳисобига киритилмайди. У фақатгина сизнинг ногиронлик нафақасига чиққунингизгача бўлган умумий меҳнат стажингизга қўшилиши мумкин. Унда икки нафақадан бирини танлаш лозим бўлади. Чунки Ўзбекистон Республикаси Пенсия таъминоти тўғрисидаги қонун талабига мувофиқ нафақанинг фақат бир турини танлаш мумкин.

КЕЧИРИШ

МУМКИНМИ?

Менинг яқин бир дўстим адабиётчи, ёшлик қилибми жиноят содир этиб, ҳозирда қочиб юрибди. Айтинларчи, агар у чин кўнгилдан ўша содир қилган қилишидан пушаймон бўлиб қайтиб келса, уни кечириб мумкинми? У жавобгарликдан озод этилиши ҳам мумкинми?

**Зафар М.
Қашқадарё вилояти.**

Агар дўстингиз содир этган жиноятнинг ижтимоий ҳавфлилик даражаси унчалик катта бўлмай, биринчи марта содир этган бўлса, шунингдек айбни буйига олиб, чин кўнгилдан пушаймон эканлигини билдириб, келтирилган зарарни ихтиёрий равишда бартараф этиб, унинг очилишига фалол ёрдам берса жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Лекин, шунинг билан бирга уни жазодан озод этиш масаласи кўрилатганда содир этилган жиноятдаги тутган ўрни ва ролига алоҳида эътибор берилади.



Бўлажак хуқуқшунослар суд залида.

A. MAMATKULOV сурати.

КИМ ҲАҚ?

Мен бир корхонада ишчи бўлиб ишлаётган эдим. Маълум бир сабабларга кўра ишга боролмай юрдим. Ишга чиққанымдан кейин эса йиғилиш ўтказилди ва унда меҳнат интизомии масаласи кўриб чиқилиб, менга интизомий жазо чораси белгиланди. Орадан бир неча ой ўтгач икки кун ишга чиқа олмадим т.т. тегишли хужжат тақдим эта олмадим. Ҳуддас, ишдан четлатишди, ўзимни бу ҳақда хабардор этмасдан туриб, Айтингларчи, мени ишдан четлатишдан олдин бирон бир огоҳлантириш қилиш керакми? Қонунда нима дейилган?

**И.Хафизов,
Қорақалпоғистон Республикаси
Тўртқўла тумани.**

Ҳар бир тузилган меҳнат шартномасининг (номўайян муддатта тузилган, муддатли) бекор қилиниши учун етарли равишда асос бўлиши керак.

Хатдан маълум бўлишича, сиз мунтазам равишда меҳнат интизомини бузиб келгансиз ва бунинг учун интизомий жазо чораси ҳам белгиланган экан.

Мунтазам равишда деганда, аввал меҳнат вазифаларини бузганлиги учун ходим интизомий ёки моддий жавобгарликка тортилган ёхуд унга нисбатан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив хужжатларда назорда тутилган таъсир чоралари қўлланилган кундан эътиборан бир йил мобайнида такроран содир этилиши тушунилади.

Лекин ходимни содир этган ноҳўя хатти-ҳаракатлари учун йил давомида бирон бир чора кўрилмасдан туриб меҳнат интизомини мунтазам равишда бузган, деб топиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганим бўлса, қилиниши «мунтазам» деб топиш учун асос бўлмоғи керак. Бунинг учун ходимга аввал интизомий ёки моддий жавобгарлик чоралари қўлланилган бўлиши лозим.

Ходимга нисбатан кўрилган ҳар бир жавобгарлик ёки бошқа хил таъсир чоралари қонун доирасидан четта чиқмаслиги зарур. Масалан ходим меҳнат интизомини бузганлиги учун иш берувчи қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

- хайфсан;
- ўртача ойлик иш ҳақининг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима.

Агарда икки меҳнат тартиби қоидаларида жарима солиш назарда тутиб ўтилган бўлса, ходимга ўртача иш ҳақининг қирқ фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиниши ҳам мумкин (181-мод.).

Шуни унутмаслик керакки, ҳар бир ноҳўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилади.

Интизомий жазо қўлланилишининг аввал ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилинади. Тушунтириш хати беришдан содир қилган бош тартичи унинг илгари содир қилган ноҳўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсиқ бўла олмайди.

Интизомий жазони қўллашда содир этилган айбли хатти-ҳаракатнинг қай даражада оғир-ёнглилиги, унинг содир этилиш сабаб ва возиятлари, ходимнинг олдинги иш жойи ва ҳулк атвори ҳисобга олинади.

Ходимнинг содир этган айбли хатти-ҳаракати учун интизомий жазо ўша ноҳўя хатти-ҳаракат аниқланган кундан бошлаб ўзори билан бир ой ичида қўлланилиши лозим.

Ҳар бир ноҳўя қилиш учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилиши мумкин.

Агарда жамоа шартномасида меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинганда касоба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилли органининг розилигини олиш назарда тутилган бўлса, бундай розиликни олмай туриб меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиб бўлмайди. Корхона тугатилганда ва корхона раҳбари билан меҳнат муносабатлари бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

Касоба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакилли органи меҳнат шартномасини кўриб чиққанидан сўнг, қабул қилган қарори ҳақида ўн кўнлик муддат ичида иш берувчига ёзма равишда хабар беради. Бу муддат меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисида иш берувчининг ёзма тақдирномаси олинган кундан бошлаб ҳисобланади.

Касоба уюшмаси қўмитасининг розилик бериш тўғрисидаги қарори олингандан кейин, у қабул қилинган кундан бошлаб бир ой ичида (ундан кечикмасдан) иш берувчи меҳнат шартномасини бекор қилишга ҳақли.

Меҳнат шартномаси ходимнинг айбли хатти-ҳаракатлар содир этганлиги натижасида бекор қилинганда, иш берувчи ходимни меҳнат муносабатлари бекор қилиниши тўғрисида қаида уч кун олдин хабардор қилади ёки шу муддат компенсация тўлаш билан олмаштирилиши мумкин. (МК 102-моддаси).

Агар ходим айбли хатти-ҳаракат қилган бўлса ва бунинг учун белгиланган муддат давомида интизомий жазо белгиланмаган ҳақда ушбу муддат ўтиб кетган бўлса, меҳнат шартномасини иш берувчи ўз ташаббуси билан бекор қилишга ҳақли эмас.

ЖАРИМАНИНГ МИҚДОРИ ҚАНЧА?

Мен ўзимни қизиқтираётган кўйидаги саволга жавоб олишни хоҳлардим: Маълумий тартибда солинадиган жариманинг энг кам миқдори қанча? Шу ҳақда маълумот берсангиз.

**О.Соптов,
Тошкент шахри.**

Фуқароларга энг кам жарима миқдори энг кам иш ҳақининг элликдан бир қисми, мансабдор шахсларга эса ўндан бир қисмидан кам бўлмаслиги керак.

Жариманинг энг кўп миқдори эса фуқароларга энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан, мансабдор шахсларга эса энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорда солинади.

• Хукм ўқилди

«Ишблармонларнинг фикрича бу сохта ҳужжат, яъни «юк хати» ҳаммаёқни теп-текис қилиб, «фоалиятлари»ни кенгайтириш учун янада кенгроқ уфкларни очиб бериши керакдад эди. Бироқ тақдирнинг ўйинини қарангки, айнан мана шу ҳар балодан асрагувчи «тумор»нинг ўзи тафтишчиларга калаванинг учини тутқазиб берди. Калаванинг учи тортилган сари ном-нишонсиз, изсиздай кетган пахта толаси ва лентларнинг дараги чиқа бошлади...

Туман солиқ инспекцияси режа асосида ҳиссадорлик жамиятида тафтиш ўтказадиган мuddат аяқлашгани сари Анварнинг юрагини ваҳима чулғайверди. Кечалари ухлосмайди бўлиб қолди. Ниҳоят, ўринбосари Нишонбой билан бош ҳисобчи, адаши

Ёзёнов тумани Гулистон кишлоғида жойлашган «Чинор» ҳиссадорлик жамияти билан Кува хусусий савдо-саноат комбинати ўртасида 1995 йил 8 апрелида тузилган шартномага кўра апрел ойдан ноябр ойигача ҳиссадорлик жамиятига 143 тоннадан зиёд

моддий жавобгарлигида бўлган 69,5 тонна пахта толасидан камомад, 24,3 тонна пахта линтидан ортик келтириди. Ортик ва камомадни яшириш мақсадида «Чинор» ҳиссадорлик жамиятига 1995 йил апрел-ноябр ойларида жўнатилаган пахта толаси ва лент ҳужжатларининг ўзида қолган нусхаларига ортиқча рақам қўшиб ёзиб сохташтиради. Ҳужжатларни қалбакилаштириш воситасида 68 тоннадан зиёд пахта толаси, 10 тонна лент маҳсулотини «Чинор» ҳиссадорлик жамиятига чиқим қилиб, салкам 1 миллион 205 минг сўмлик мулкни ўзлаштириди...

«Чинор» ҳиссадорлик жамияти раиси А.Тожибоев 1995 йил октябр ойда Андижон вилояти Улугнор туманидаги М.Иминов номли ширкат уюшмаси раиси Т.Турдиев билан келишувга асосан 840 минг сўмлик векселга 35

• Божхона хабарлари

АНТИҚА ДАРОМАД УСУЛИ

Республикаимз Президенти ва ҳукуматининг саъий ҳаракати билан аҳолининг кундалик эҳтиёж ва истеъмол молларига бўлган талаби қондириб борилмоқда. Хусусан, чет эл сармоядорларининг юртимизга жалб қилиниши ва кўплаб қўшма корхоналарнинг маҳсулот ишлаб чиқариётгани туфайли ҳам базорларимиз мўл-қўл. Лекин афсуски, катта меҳнатлар эвазига келтирилёвган маҳсулотларни кўтарасига ўзга юртларга қиммат баҳога пулламоқчи бўлган кимсалар ҳамон учраб турибди. Ана шулардан бири Бешариқнинг Товун кишлоғида яшовчи Ислолжон Бозоровдир.

Ислолжон аслида ҳеч қаерда ёлчилиб ишламайди. Элимага, юртимга нима наф келтирялман, деб ўйламайди ҳам. Лекин жараж-жарақ пулнинг «жигардан» пайда бўлишини жуда яхши билади. Кўпм ортиқча уринмай англияли даромад қилишининг антиқа «қусли»ни ўйлаб топди. Кимлардандир Тожикистон Республикасида озик-овқат, хусусан шакарга аҳолининг эҳтиёжи катталигини, шу билан бирга қимматлигини эшитиб, тавоққалига иш тутди. У нақд 600 кг. шакарни айланма дала йўлига олиб чиқиб қош қорайишини кутди. Лекин эндигина ўттиз ёшни қоршилаган Ислолжоннинг шунча товарни ҳеч қандай ҳужжатларсиз, божхона органидан яширган ҳолда қўшни юртга олиб кетишга уриниши чиппаққа чиқди.

Вилоят божхона бошқармасининг 5-сонли «Андаржон» божхона маскони бошлиғи А.Эшонқулов ва ходимлар М.Ўринбоев, Ғ.Кабировлар Ислолжонга божхона кодексининг 161-моддасини бузганини тушунтиришганда, у бошини ҳам қилиб қолди. Хулоса шунки, маҳсулот мусодара қилинди, Ислолжон эса жарима тўлади.

УСТАСИ ФАРАНГЛАР

Анваржонларга ёрилди.
- Кирим-чиқимлар ўрни-ўрнидами? Тагин бошга боло орттириб...

- «Излишқа» бўлса борки, ками чиқмайди, - тиржайди раис ўринбосари.

- Ортиқчаси қанча? - бўғилди раис. - Йўқ қилинган, посонингдай баб-баравар бўлсин!

- Қирқ икки тоннача тола-ю, олти тоннача лент орттириб қолганмиз, - деди бош ҳисобчи. Бироқ сўзини охирига етказолмади, «текислаб қўйинг», деб шартта кетди раис.

Бош бухгалтер Анваржон Қўзйбоев ҳам ашёр омбор мудири Рўзимат Шерматовнинг бўйида турган, тафтиш мобайнида ортиқча чиқиб бошга боло бўлиши муқаррар бўлган 41700 килограмм тала билан 5336 килограмм лентини сохта юк хати орқали (номерсиз, маҳсулотсиз) гўё технолог С.Холмировнинг гарданига ўтказиб қўйди. 1995 йил ноябр ойда солиқ инспекцияси тафтиш ўтказиб бўлганидан кейин эса «юк хати қайтадан С.Холмировга чиқим қилиниб, тафтишдан яшириб қолинган тала ва лент «харидорлар»га сотилиб, моблаг жиний шериклар ўртасида теппа-тенг тақсимланди. Ҳўш, бу «излишқа» қаердан пайдо бўлди? 1996 йил июл ойда ўтказилган қайта тафтиш бу саволга жавоб берди. Тафтиш натижасига кўра, ҳиссадорлик жамиятининг мосулул шахслорига нисбатан жиний иш қўзғатилди.

Салкам бир йил давом этган тергов ҳаракатлари мобайнида мансабани суиистеъмол қилиш, ўзига ишониб топширилган мулкни ўзлаштириш ҳамда растрата орқали талон-тарож қилишдан иборат жиноят механизми биринкетин аниқланди. Тергов шунча мuddат чўзилишининг сабабларидан бири - дастлабки терговни вилоят ИИБ тергов гуруҳи олиб борган, иш судга оширилмаган бир пайтда уни ўрганиб чиққан вилоят прокуратураси бир қатор хато ва камчиликларни аниқлаб, қайта терговга топшириганди.

«Чинор» ҳиссадорлик жамиятига 1995 йил феврал ойда раис этиб сайланган Анваржон Тожибоев, унинг ўринбосари Нишонбой Рўзиматов, бош ҳисобчи Анваржон Қўзйбоев, ҳам ашёр омбори мудири Рўзимат Шерматов, тўқув цехининг бошлиғи Содик Холмиров, ишлаб чиқариш цехининг бошлиғи Абдуқаҳор Ниёзовлардан иборат жиний тўда иқтисодий жиноят содир этиш борасида эски, «синилган усулда» иш қўрди.

ЁКИ «ЧИНОР» ХИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИДАГИ ЖИНОЙ ТЎДАН ИНГ КИРДКОРЛАРИ

пахта толаси ва салкам 181 тонна пахта ленти топширилади. Бироқ ҳақиқатда омборга келиб тушган бу маҳсулотлардан 49,5 тонна пахта толаси ва 37,3 тонна лент ҳиссадорлик жамияти ҳисобига кирим қилинмайди. Яни ва эски ишлаб чиқариш меъёрига ҳам ашёр сарфининг ҳар қиллиги, намлик, табиий чиқит ва ҳоказо кўрсаткичлар ёрдамида бу хом ашёлар ишлаб чиқаришдан «тежалиб», турли шахсларга сотиб юборилади. Жиний тўда фақат шу орқали ҳиссадорлик жамиятига тегишли 1 миллион 118 минг сўмлик мол-мулкни ўзлаштиришга «муваффақ» бўлади.

Бундан ташқари омбор мудири М.Хомидов гарданига бўлган «Вата прима» маҳсулотидан тафтиш пайтида 21 минг сўмлик камомад аниқланади. Ушбу маблагни раис А.Тожибоев, бош ҳисобчи А.Қўзйбоев ва омбор мудири М.Хомидов аллақачон «қазм» қилиб юборишганди.

«Хом ашёни тежаш» борасидаги «Чинор» шоввозларининг «илғор» тажрибалари Кува хусусий саноат-савдо комбинати тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш цехи бошлиғи ва омбор мудири Абдуқаҳор Ниёзовнинг ҳаловатини ўғирлайди. У гўё сарф меъёларининг бузилиши оқибатида

тонна «Вата прима» маҳсулоти етказиб бермоқчи бўлади. Т.Турдиев векселни келтириб берганде қабул қилиб олиб, маҳсулот беришни атайлаб орта суроид. Жиний гуруҳ аъзолари ўзaro тил бириктириб, Андижонга жўнатилмаган маҳсулотни жўнатилади, деб қалбаси ҳужжатлар билан расмийлаштириб қўйишади...

А.Тожибоев бошчилигидаги жиний гуруҳ салкам икки йил мобайнида жуда кўп миқдорда ўзганини мулкни ўзлаштириб, талон-тарож қилиб, жиноятни яшириш учун ҳужжатларни сохташтиради билан шуғулланиди. Бироқ айбини яширсан, иситмаси ошқор қилади деганларидек, фарибгар муттоҳамлар фаш этилиб, уларнинг жиний «фоалият»ларига чек қўйилди. Ушбу ишни кўриб чиққан Фаргона вилоят суди судланувчиларни тўққиз йилдан ўн етти йилгача мuddатга озолиқдан маҳрум қилди.

ИБРОҲИМЖОН ИСМОИЛОВ,
Фаргона вилояти прокуратураси
ички ишлар идораларида терговни,
солиқ ва божхона идораларида
суриштирувчи назорат қилиш
бўлими прокурори.
Исроил ИБРОҲИМОВ,
журналист.

ЖИНОЯТЧИЛАР ҚОЧИБ КЕТОЛМАДИЛАР

Фаргона вилоят божхона бошқармасининг 7-сонли «Ўқчи» божхона маскони Қирғизистон Республикаси билан чегарадош ҳудудда жойлашган. Бу ерда божхоначилар вилоят ички ишлар бошқармаси ходимлари билан ҳамкорликда товар-моддий бойликларнинг республикаимз ҳудудидан қонунга хилоф равишда четга олиб чиқиб кетилишига қарши кескин курашмоқдалар. Бу борада баъзан ҳукуқбузарлар билан тортишишга борилапти. Яқинда бўлиб ўтган воқеа ҳам бунга мисол бўла олади.

Маскан назори, божхона хизмати старшиниси Авазбек Қудратов ва вилоят ички ишлар бошқармаси ходими, маҳсус рота катта сержанти Абдуоқи Мамажоновлар эндигина қош қорайган пайтда, олинган маълумотга кўра тоғ зонасидаги айланма йўлни назорат қилиб туришганда Ўқчи қишлоғидаги «Автомобилчи» болалар оромгоҳи ҳудуди орқали айланма йўтвчи йўлда ЗИЛ-130 русумли автомашинани тўхтатишди. Бироқ автомашинани ҳойдовчиси ва ундан тушган шериклари орган ходимларига қаршилиқ кўрсатишди. Ҳатто кулолни қўлдан олиб қўйишга уринишди. Лекин оғохлантурувчи ўқ отилгачина, улар ҳаракатларини тўхтатишди.

Воқеа содир этилган жойда зудлик билан қўшинча куч зарурлиги сезилди. Авазбек автомашинанинг керакли қисмини олиб қўйди-да, унча узок бўлмаган масканга бориб, қисқа вақт ичиде қўшинча куч олиб келди. Бу пайтда жиноятчилар автомашинани юксонсидеги 4 тоннага яқин минерал ўғитни тушириб, бензин қўйиб ёкиб юборишга улгуришган эди. Хайрият, олов ўз вақтида ўчириб қолинди.

Дастлабки суриштирув довомида ЗИЛ-130 русумли, 47-68 ФЕН довлат белгили автомашинода ўқчи қишлоғида яшовчи А.А. юқоридеги минерал ўғитни қўшни Республикага олиб ўтиб кетмоқчи бўлганлиги аниқланди.

Ушбу ҳолат бўйича Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддасига кўра жиноят иши қўзғатилди, тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

Зайлобиддин ИЙГИТАЛИЕВ,
Фаргона вилояти божхона бошқармаси
матбуот гуруҳи раҳбари,
божхона хизмати катта лейтенанти.

• Қилмиш қидирмиш

«Ўрганган кўнгил, ўртанса кўйма», деб беқорга айтишмаган экан. Иброҳим Исрофилов муқаддам судланган бўлса-да, ўзига тегишли хулоса чиқариб алмади. Аксинча, яна жиноятга кўл урди. Асли Самарқанддан бўлган бу кимса, пойтахтга турмуш ўртоғи билан келиб, агар бирор аяшхорор уй топилса сотиб оlishни ҳам ният қилган эди. Уй-жой биржаси ёнида уйини сотмоқчи бўлган Рая Посёлкина билан танишиди. Харидорлар уйини кўрган, Иброҳимнинг акасига кўнйроқ қилиш ниятида чиқиб кетишади.

Аммо улар кеч тушгач, яна Раянинг уйига қайтиб келишди. Иброҳим акасига кўнйроқ қилганини, эртага пулни олиб келишини айтиб, хонадон соҳибасининг кўнглини хотиржам қилди. Уй эгасига бу маъқул келди, ҳатто Иброҳим шу ерда тунашга жой сўраганида ҳам «йўқ» демасди.

«ЎРГАНГАН КЎНГИЛ...»

МУҚАДДАМ СУДЛАНГАНИГА ҚАРАМАЙ ЯНА ЖИНОЯТ СОДИР ЭТДИ

Бироқ уч кун ўтса ҳамки Иброҳимнинг акасидан дарак бўлмади.

- Ақамдан дарак йўқ. Яхшиси, эбиз ўзимиз бориб пул олиб келамиз.

Эр-хотин нарсаларини йиғиштириб, Иброҳимнинг хотини қўл соатини тополмай хуноб бўлди. Улар уй эгаси билан биргалликда йўқолган соатни қидиришга тушишди. Иброҳим меҳмонхонани кўздан кечириётган пайтда, сервант галлодониде 50 сўмлик бир даста пуллари кўриб қолди. Хонада ҳеч ким йўқлигиндан фойдаланиб, у пулни чўнтагига солди. Соят эса топилмади.

кўярман, - деди Рая хижолат чекиб. Иброҳим турмуш ўртоғи билан чиқиб кетишди. Бироқ Раянинг кўнглига негадир ҳодик оралади. Дарҳол бориб сервантнинг очди. 5000 сўм пул жойида йўқ эди. Меҳмонлар эса кетиб бўлишганди. Хоналарни кўздан кечириб чиққан Рая норхи 8000 минг сўмлик қумуш занжири ҳам йўқлигини сезиб қолди. У бу ҳақда милиция бўлимига хабар қилди. Бу пайтда Иброҳим турмуш ўртоғи билан таниши Али исмли йигитнинг уйда гурунлашиб ўтирарди. Кейин эр-хотин «бозор айлангани чиқиди. Бозорда турмуш ўртанга қузойнақ олиб

бериётган Иброҳим чўнтагидан бир даста пул чиқариб ҳисоб-китоб қилди. Пулни кўрган аёлнинг кўнглида шубҳа ўйғонди.

- Пулни қаердан олдингиз? - ҳадиқсираб сўради у аридан.

- Сенинг соатингни олди-ку. Шунинг учун мен унинг пуллариини ўғирладим, - жавоб берди эри пинагини ҳам бузмай.

- Худодон кўрнинг, Иброҳим ака, охири баҳайр бўлмайди бу ишнинг...

Иброҳим Тошкентга уй сотиб олиш орзусида келган эди. Аммо кўли эргилиги туфайли қамоқ-хонадан жой топди. Суд ҳукми билан у 9 йилга озолиқдан маҳрум этилди.

Х.ТУРДИБОВЕВ,
Тошкент шаҳар прокуратураси
судларда жиноят ишлари қўрилишида
прокурор ваколатини таъминлаш
бўлими бошлиғининг ўринбосари.
Жаҳонгир ШАРАФБОВЕВ,
«Хукук» муҳбири.

• Ҳажвия

РЕКЛАМАНИНГ КУЧИ

Йўқ, сиз чалғиманг, бу ҳажвиямиз сиз ўйлаётган кишилар ҳақида эмас. Телевизор кўрасизми ўзи? Рекламаларни-чи? Мен авваллари рекламаларга ўнчалик қизиқмасдим, ҳозир эса умуман қизиқмай кўйдим. Одамлар нима учун қўл бериб кўришишни?... Ўйлаётганим йўқ, фикримни иккита сўз билан тушунтириб берааламан. Лекин иккита сўз билан иш битмайди-да. Хўш, нима учун қўл бериб кўришишни? Нимагаки, ўнг қўлни тутиб турганда чап қўл билан шاپалоқ тортми бўлмайди. Келинг, яхшиси мавзунинг асосий қисмига ўтайлик.

Бир куни десангиз, ручкам қўшиб қўйдим. Сиеҳга беланган қўлимни оддий кирсовунда ювиб тургандим, бошлғимиз Сўфихон Сирлиевич ҳам ювиниш хонасига кириб қолдилар ва менинг аҳволимни кўриб:

- Яхшиси, қўлингизни протексда ювинг! - дедилар. Мен эса:

- Раҳмат, раҳмат! - дедим-у, лекин гапларига тушунмадим.

Қанча ювсам-да, барибир қўлимда сиеҳнинг юки қолди. Хонага кирсам, Сўфихон Сирлиевич ҳам шу ерда эканлар.

- Сизга айтдим-ку, протексда ювинг, деби! - дедилар яна бир бор.

- Хўп-хўп, ювсаман, - дедим қўлларимни, лекин барибир гапларига яна тушунмадим. Бошлик чиқиб кетганларидан сўнг ҳамоналаримга маслаҳат солдим: - Протексда ювиб кўрсаммикан, а?

- Нима у? - дейишди улар бараварига.

- Шунинг ҳам билмайсизларми? - дедим ажабланиб.

- Йўқ, билмаймиз... Бензинга ўхшаган бир нарса бўлса керак-да.

- Узим ҳам билмайман...

Бироз кулишдик. Кун охиригача бу гаплар унут бўлди. Ҳа, теледидан кўриб ўтирдим, бирдан реклама бериб қолди. Қизи пешонасидати терни билги билан сидириб олди, ўли тушмоғур кучук билан роса думалошди. Энди бунинг қизик томонига қаранг, терни артган ким-у, кучук билан думалошган ким, бир пайт отаси ваннада совунаиб ювганини. Кейин биттаси, болаларнинг онаси бўлса керак, ўзи экранда кўринмади, овози эса ўқиди: «Сиз Протексдан фойдаланинг! У тўқсон тўққиз фойз бактерияни тил торттирмай ўлдирди», деди ва ўрта совунни қаторлаштириб ташлади. Шунинг қўлдан-у, сонинга шапатиллаб уриб юбордим. «Мана, гап қаерда экан!» дедим бошимни сарок-сарак қилиб. Сўнг ўйлаб қолдим. - Нимага энди юз фойз бактерияни эмас, тўқсон тўққиз фойзини ўлдирди?» Ҳали-ўқиб ҳажвоб топгандай бўлдим. Бир фойз бактерия хамиртурус учун қалор экан. Бу бир фойз яна юз фойзга чиқди, шунда яна совунга эҳтиёж туғилди...

«Протекс» дегани чет эл совуни экан. Эртаси куни палон пулга бир донасини сотиб олдим. Қизиқшим банд эмасми, дарров қўлимни ювиб кўрдим. Айтганларича бор экан, совун шунданки силлиқки, балик унинг олдига ҳеч гап. Қўлигини айтмайсизми, қўшнинг патиданда юмшоқ. Қўлим бир яйради, бир яйради, аста қўяверинг. Сочикка артганимдан сўнг қўлим пахтадек олоқ бўлди-қолди. Энди бу олоқ қўлни бировга чўзишга қизганасон киши.

Ишга боряман-у, ҳамкасблар билан қандай кўришишни ўйламан. Биринчи бўлиб Тўхтасин ака билан кўришадиган бўлиб қолдим. Лапатқодай келадиган қўлларига истар-истамай қўлимнинг учини чўздим.

- Э, бормисан! - деди Тўхтасин ака қўлимни зўрлик билан тортаркан. - Нима бало, қизлардай тортинадиган бўлиб қолганми бугун?

Нима дейишни билмай қолдим. Муслим-жон ака билан ҳам шу йўсинда кўришдим.

- Қўлингизни яхшироқ чўзинг бундоқ! - деди Муслимжон ака ҳам қўлимни силтаб.

- Қўлингиз енгингизни ичига кириб кетганми, ё бугун енгиз узун кастюм кийиб келганмисиз?

Нима дей? Қизариб-бўзариб туравердим. Шу пайт Сўфихон Сирлиевич кириб келдилар. Ҳаёлда, у киши билан ҳам шунга кўришибман, денг.

- Чўзинг, чўзинг, - дедилар қўлимсизаб.

- Мен ҳам «Протекс»да ювганман. Бўлса, бир фойз микроби қолган.

- Э, йўғе, - дедим уялиб. - Сиздан юқса қани эди. Сиздан «юқармикан» деб юрибмиз-ку, ахир...

Эртаси куни ҳам шунга аҳволда кўришдик.


Сўфихон Сирлиевич билан галати гаплашасизлар, - деди Тўхтасин ака ҳам қўлимни учини истар-истамай ушлаб. - «Протекс» деганларинг иккаларининг паролларинг бўлса керак-да, а? Нима, бирор ёғлироқ жойини бермоқчимми, дейман? Хали кўтаришмай туриб бизни менсимай қўйдингиз! Қўл учиде кўришасиз. Кўришгингиз келмаса, ўша қўлингизни учини ҳам берманг.

Галати бўлиб кетиб, гапта тилим айланмайди, денг. Аспиде, максадим ёмон экан. Фақат олоқ қўлларимга микроб юкмасин дейман-да. Хуллас, ҳар куни қўлимни импорт совунда юводиган, дўстларим билан эса қўл учиде, кейинроқ баш тебратиб кўришадиган бўлдим. Аста-секин улар ҳам мен билан кўришмай-диган бўлиб қолишди. Узимча, «Дўстларим ҳам қўлларини ўшанга совунда ювишадиган бўлишса керак», деган ўйга бордим. Лекин ўйлаганларимни бари пуқача чиқди. Улар ҳалигача ҳам «Протекс»нинг нималигини билишмасқан. Фигоним фаллака етди. Тўқсон тўққиз фойз микробни йўқотаман деб, тўқсон тўққиз фойз дўстларини йўқотиб қўйибман. Узимдан намоийшкорона тарзда дераздонда ташкарига отиб юбордим.

Шундан сўнг ҳамоналаримнинг юзи ёришгандай бўлди. Гўё ташкарида ёғётган баҳор ёмири дарахт баргларидеги гўбурни ювиб ўтгандай, бизнинг кўнглимиздаги гина-қудуратни ҳам ювиб кетди. Ҳар доимғидай яна бирғолашиб тушликка чиқадиган бўлдик. Йўлак бўлиб кетаётган эдик, беихтиёр ўнг оғимни олдинга кетиб, ўзим ярим газ кўтарилиб, ёнбошим билан ерга йиқилдим, у ёғини билмайман... Кўзимни очсам, дўхтирхонда ётибман, ўнг қўлим тахтақочлаб ташланган. Ородан икки кун ўтган, ҳамкасбларим кўргани келишди. Анчагача сўбатлашиб ўтирдик. Сўбат совунга келиб тақалганда Тўхтасин ака бир гални айтиб қолди. Уни айтишга қараганда, мен ёмигда ялвираб ётган совунни босиб, тойиб кетган эмишман.

Илҳом ЗОЙИР.

БошқотирМА



Соат мили бўйича: 1. Кислород билан қўшилиб сув ҳосил қилувчи газ. 2. Гўлсиз бўлар меваси, ширин-шакар донаси. 3.У ёни тоғ, бу ёни тоғ, ўртасида сариёғ. 4. Узи орик, қорни ёриқ. 4а. Соч тишлар, ойнага қараб ишлар. 5.Яхши кўрган кишинини бировдан қизганиш. 6. Юрса изи билинмас. 7. Хоккейнинг «тўпи». 8. Зар қўшиб тўқиладиган мато. 9. Воқеани олдиндан айтиб бериш, баҳорат. 10.Ўткир ақл соҳиб. 11.Ун, бугдой савдоси билан шуғулланувчи савдогар. 12.Сув остида олтин блдоқ. 13.Узун терак, ичи ковак. 14.Соқий. 15.Бир қўйим бор, туриб семирар. 16.Таомлар «султони». 17.Олмасанг ярим нафас, йўлдан ўтгани қўймас. 17а. Подшоҳ саройидаги олий мансаб эгаси. 18.Овқатни хушхўр қилувчи хушбўй ўсимлик. 19.Қўлогини бурасанг, тиним билмай сайрайди. 20.Бошда бошлана, қида гулхона. 21.Тўғрилиги исбот қилиниш зорур бўлган, аммо ўзи ҳақиқатга асосланган даъво. 22.Асосий қоғидан кейин такрорланиб келувчи сўз. 23.Онанинг опаси (жинанга нисбатан). 24.Излаган талади. 25.От арава ва бошқа юкларни дарёдан ўтказиб қўювчи мослама, сол. 26.Фарангистон пул бирлиги. 27.Ихтиёрни равишда зиммага олинган мажбурият. 28.Ёлгоннинг қушандаси. 29.Кичкина сандиқча, ичи тўла михча. 29а. Ўвданнинг бажорлишига ишонтириш учун қолдирилган омонат нарса. 30.Хонаки парронда (суда сузиб юради). 31.Катта кийинчилик билан эришиш. 32.Фухаролик гувоҳномаси. 33.Бир қўшим бор фаранги, чорбоғда чалар чапчи. 34.Гапта ха деганда тушуниб етмайдиган киши. 35.Дунё томонларидан бири. 36.Аския учун танлаб олинган мавзу. 37.Оммавий кулги. 38.Бир хил мол билан савдо қилувчи дўқоналар мажмуи. 39.Беш...беш, йигирма беш. 40.Суюқлик ўлчов бирлиги. 41.Осмондан буюк. 41а. Гўзал аёл, фаришта. 42.Атрофни ўраш мақсадида қилинган тўсиқ. 43.Хизматкор, батрак. 44.Қара қизил, тўқ жийрон от. 45.Уқитишнинг маълум мавзуга бағишланган бўлаги. 46.Одамнинг кишилар ўртасида тутган ўрни. 47.Ўтакетган айёр, мажкор. 48.Вилоятнинг эскича атамаси. 49.Графдан бир поғона паст унвон. 50.Гул устида олифта ашулачи. 51.Сўрамай-нетмай эшик очар. 52.Қўтир тош, ичиде ош. 53.Бир нарса ол, ўзинг, тоғуving ва молинг есин. 53а. Қачқин аёл, кейинги етмайди тўни. 54.Диний муассасага васият қилиб қолдирилган мулк. 55.Муслмончиликнинг беш шартидан бири. 56.Аёллар қулониинг зийнати. 57.Франциянинг машҳур футболчиси. 58.Қимматбаҳо тош. 59.Қуршув, мўҳосара. 60.Цитрус ўсимлиги. 61.Ҳоятда катта, улкан. 62.Ўз ватанидан кетиб, бошқа юрдада яшовчи киши. 63.Жони бор, қони йўқ, ер остида сони йўқ. 64.Ялтироқ қимматбаҳо табиий тош. 65.Маълум иш бўйича қонун-қоидалар мажмуи. 66.Қозонда эмас, қайнайди, кишин-ёзин тинмайди. 66а. Ўзи катта, кичикча эгилди. 67.Кичкина қиз, қўлида бизиз. 68.Қўнғилда қолган ўқича. 69.Абдулла Қаҳҳор романи. 70.Подшоҳлар «ишхонаси». 71.Нур бува, усти боши кир бува. 72.Озгина вақт. 73.Ширинликлар «ақаси». 74.Муқбат зоряланган электрод. 75.Муштун ерга тушди. 76.Туянинг балоси. 77. Узундан узок, ҳавога тузоқ. 78.Қўли бурон. 79.Ҳалқоб сув.

Тузувчи И.ЗОЙИРОВ.

• Бир чимдим кулгу

Қутиб олаётганлардан бири бекат бошлигининг қўлини

кисди:

- Табриқлайман! Неча ойдан бери бизнинг поездимиз эндигина ўз вақтида келди.

Бекат бошлиги изох берди:

- Жаноблар, сизларни ранжитиш менга овир, лекин айтишга мажбурман. Бу - кечаги поезд.

Талаба бир қиз билан танца тушаётди йўқилиб тушди.

- Сув! Сув! - деб кичкирди қиз.

Дарров сув олиб келиб, талабага ичкизиди. Ўзига келиб

қўзини очган йигит шивирлади:

- Энди жиндай нон бўлса...

Спортчининг тўйида бир аёл олифта кийинган йигита

мурожаат қилди:

- Кечирасиз, қувё сизми?

- Йўқ, мен чорак финалдан нарига ўтолманман.

Икки ўртоқ ёзма имтиҳондан чиққач, хайрлашишяпти.

- Масалани ечолмадим, варақларни олоқ ҳолича топшириб

чиқавердим.

- Мен ҳам шундай қилдим.

- Ие, расво қилибсан-ку! Улар сени мендан кўчириб олган

деб ўйлашди-ку!

Д.САЙФУЛЛАЕВА тайёрлаган.

Мустақиллик ҳуқуқ демакдир

Хуқуқ

ЮРИДИК ГАЗЕТА

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 00150 рақам билан рўйхатга олинган.

ТАЪСИСЧИЛАР:

Ўзбекистон Республикаси
Прокуратураси, Тошкент шаҳар ва
Тошкент вилояти прокуратура-
лари, «Қонун ҳимоясида» журнали

Манзил: Тошкент шаҳри, академик Яёб
Ғуломов кўчаси, 66-уй.
Телефонлар:
77-72-25, 133-82-34, 133-63-88.

Бош муҳаррир: Абдуҳалиқ АБДУРАЗЗОҚОВ

Тахрир хайъати: Ботир Пўлатов, Дилшод Исломов
(масъул қотиб), Мэлс Наимов, Орижон Холматов,
Лола Шомуротова, Бахтиёр Назаров (Бош
муҳаррир ўринбосари), Зайниддин Мамадалиев.

Муаллифларнинг фикри тахририят фикридан фарқлана-
ши мумкин. Қўйиб босилганда «Хуқуқ»дан олгангалиги
қўрсатилиши шарт.

«Хуқуқ» оригинал

макета.

«Шарҳ» нашриёт-матбаа концерни босмахонасида

босилди. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси - 41.

Нухаси - 19096. Буюртма Г-0230. Бичими А-3.

Навбатчи:

Б.Улибобоев

1 2 3 4 5 6

Газета PENTIUM - II mmx

компьютерда саҳифаланди.

Сотувда эркин нарҳда.

Босишга топшириш вақти: 20.00

Босмахонага топширилди: 18.00